



# МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ

46 (263) ● 2013 йил 27 ноябрь, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz Таҳририят — www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган



ЎзМТДП фракцияси аъзолари партия дастури мақсадларидан келиб чиқиб, давлат бюджети ижроси билан боғлиқ бир қатор масалаларга эътибор қаратишди.

4

ЎзМТДП ДАСТУРИ — АМАЛДА



Тижорат банклари томонидан ажратилаётган кредит маблағлари импорт ўрнини босувчи рақобатбардош, маҳаллий маҳсулотлар ишлаб чиқаришда муҳим аҳамият касб этмокда

5

СИЁСАТ



Миллий меъморчилигимизнинг ўзига хос анъаналари асосида бунёд этилган Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ўқитувчи ва талабаларга илҳом бағишлайди.

8

КЎЗГУ

## Ташриф самарали бўлди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ва Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов 26 ноябрь кун "General Motors Powertrain Uzbekistan" Ўзбекистон-АҚШ қўшма корхонасига ташриф буюрдилар.

Олий мартабали меҳмон қўшма корхонанинг ишлаб чиқариш салоҳияти, шарт-шароитлари билан танишди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида Ўзбекистон автомобиль ишлаб чиқарувчи етакчи мамлакатлардан бирига айланди. Бугунги кунда ўзбек автомобиллари нафақат мамлакатимизда, балки хорижий давлатларда, жумладан, Туркменистонда ҳам хариддордир.

Дунёнинг етакчи компаниялари билан ҳамкорликда ташкил этилган "GM Uzbekistan", "СамАвто", "JV MAN Auto — Uzbekistan" сингари корхоналарда энгил ва юк автомобиллари, автобуслар, махсус машиналар, кенг турдаги бутловчи қисмлар ишлаб чиқарилмокда.

"General Motors Powertrain Uzbekistan" корхонасининг ташкил қилиниши автомобилсозлигимиз ривожига янги даврни бошлаб берди. Президентимиз Ислам Каримовнинг 2008 йил 16 декабрда қабул қилинган хорижий инвестициялар иштирокида куч агрегатлари ишлаб чиқарилган "General Motors Powertrain Uzbekistan" корхонасини ташкил қилишга оид қарорига мувофиқ ташкил этилган ушбу йирик қўшма корхона минтақамизда автомобиллар учун двигателлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган ягона заводдир. Бундай ноёб ва мураккаб ишлаб чиқариш корхоналари дунёнинг санокли мамлакатидоғина мавжуд.

Корхона алюминий эритиш ва қуйиш, термик ишлов бериш, цилиндр блоклари, тирсакли валга ишлов бериш ускуналари, уларни автоматик йиғиш линиялари, шунингдек, назорат-ўлчов машиналарини ўз ичига олган замонавий технологик ускуналар билан жиҳозланган. Ишлаб чиқариш жараёни компьютер орқали бошқарилади. Бу ердаги технологик жараён ишлаб чиқариш ва маҳсулот сифатини мунтазам назорат қилиб бориш имконини беради, аynи пайтда экологик хавфсизлик нуқтаи назаридан ҳам жаҳон стандартларига тўла мосдир. Корхона маҳсулотларидан нафақат Ўзбекистондаги, балки "GM"нинг глобал тармоғига кирувчи хориждаги бошқа автомобилсозлик корхоналари ҳам фойдаланмокда.

Мазкур завод "General Motors"нинг қуйиш ва йиғув цехлари бир жойда жойлашган дастлабки корхонасидир. Корхона ускуналар билан жиҳозланиши, технологик операциани назорат қилиш тизими, эргономик ва экологик стандартларга мувофиқлиги бўйича энг замонавий ҳисобланади. Урнатилган регенерация тизими ишлаб чиқаришнинг ёпиқ циклини таъминлаш имконини бераётди.

Туркменистон Президенти мамлакатимиз автомобил саноати ривожигаги улкан муваффақиятлардан бири бўлган, замонавий стандартлар асосида, энг сўнги русумдаги технологиялар билан жиҳозланган ушбу корхона фаолиятини юқори баҳолади.

Олий мартабали меҳмон завод ҳудудида кўрғазмага қўйилган, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган замонавий энгил автомобиллар, юк машиналари, тракторлар ва бошқа қишлоқ ҳўжалик техникаси билан танишди. Туркменистон Президенти мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган ушбу автомобиллар ва бошқа техника турининг кўпчилиги, уларнинг сифати ва дизайнига юксак баҳо берди. Гурбангули Бердимухамедовда "GM Uzbekistan" қўшма корхонаси томонидан янги ўзлаштирилган "Chevrolet Orlando" оилавий минивэни катта таассурот қолдирди. 2014 йилнинг биринчи чорағини мазкур минивэни кенг ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Шу билан Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг Ўзбекистон Республикасига расмий ташрифи якунига етди. Шубҳа йўқки, ушбу ташриф ва унинг натижалари Ўзбекистон ва Туркменистоннинг вақт синовидан ўтган дўстлик, ҳамкорлик ва яхши қўшничилик муносабатларига янги суръат бахш этади.

Нодира МАНЗУРОВА,  
ЎЗА муҳбири

## Партия лойиҳаси



## Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ЎзМТДП эътиборида

партиянинг иқтисодий йўналишдаги вазифалари Ангрэн индустриал зонаси мисолидаги амалий семинарда кенг муҳокама қилинди

*Мустақил тараққиёт йилларида мамлакатимиз барча соҳалар қатори иқтисодиётда ҳам юқори ўсиш суръатларига эришиди. Юртимизнинг иқтисодий йўналишда бундай юксак натижаларга эришишида, партиямиз электроти ҳисобланган маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, оилавий тадбиркорлар, касаначи ва ҳўнармандлар ҳам муҳим ўрин тутмокда.*

Таъкидлаш лозимки, бу борада қабул қилинган қонун ва қарорлар, қатор дастурлар ҳамда бошқа қонуности ҳужжатлар соҳа ривожига муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмокда.

Жумладан, саноатни янада



ривожлантириш, тармоқлар рақобатбардошлигини ошириш ва янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариши ўзлаштиришга доир дастурий чора-тадбирларнинг амалга оширилиши юзасидан Президентимизнинг "2013-2015 йилларда Тошкент вилояти саноат салоҳиятини ривожлантириш дастури тўғрисида"

ги Қарори вилоят ҳудудидаги корхоналарни ривожлантириш ва иқтисодий барқарорликка эришиш баробарида юрт равнақи ва аҳоли фаровонлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмокда.

2-бет

## Муносабат

## Қуёш энергиясидан фойдаланиш

энергетика мустақиллигида самарали йўл ҳисобланади

*Мамлакатимизда кучли миллий иқтисодиётни ташкил этиш, янги юқори технологияли корхона ва ишлаб чиқаришларни жадал ривожлантириш ҳисобидан унинг рақобатбардошлигини ошириш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш учун ресурсларни тежаш имконини берадиган замонавий технология ва услубларни жорий қилиш борасида кенг қўламли ислохотлар амалга ошириб келинмокда. Жумладан, мамлакатимизда муқобил энергия манбаларидан, айниқса, қуёш энергиясидан фойдаланиш борасида бой тажриба тўпланди.*

22 ноябрь кун пойтахтимиздаги Симпозиумлар саройида бўлиб ўтган Осиё қуёш энергияси форумининг олтинчи йиғилишида мамлакатимиз раҳбари бугунги кунда энергия ресурслари манбалари, нефт ва газ захираларига эга бўлиш чексиз даромад олиш ва халқаро майдонда ўзининг мавқеи ва таъсирини оширишда алоҳида аҳамият касб этадиган энг муҳим омиллардан бири эканлигини эътироф этди. Дарҳақиқат, аynи пайтда жаҳон иқтисодиётида энергияга бўлган талабнинг йил сайин ортиб бориши, шунингдек, анъанавий углеводород хомашёси бўлиши нефть ва газнинг янги манбаларини ўзлаштириш қийинлашаётганлиги қуёш энергиясидан унумли фойда-

ланишни тақозо этади. Жумладан, мамлакатимиз географик ўрни ва иқлим шароитлари қуёш энергетикаси салоҳияти юқори эканлигини кўрсатади. Хусусан, серқуёш ўлкамизда йилнинг 320 кун қуёшли бўлади. Осиё тараққиёт банки ва Жаҳон банки ҳулосаларига кўра, Ўзбекистонда қуёш энергиясининг янги салоҳияти 51 миллиард тонна нефт эквивалентидан ортиқдир.

Давлатимиз раҳбари форум йиғилишида мамлакатимизда барпо этилаётган ҳамда келгусида режалаштирилаётган қуёш электр станциялари борасида алоҳида тўхталиб ўтди.

2-бет

## Аёллар қаноти

## Донолик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони

ЎзМТДП "Аёллар қаноти" томонидан ўтказилган қўриқ-танловнинг республика босқичи бўлиб ўтди

*Азалдан аёлни табиатнинг ноёб мўъжжаси сифатида эътироф этишган. Бу муқаддас зотнинг гўзаллиги, ақл-заковати ва айниқса, донолиги олоғида не-не зотлар бош эзмаган дейсиз. Аёл, аввало, келажак авлодларнинг яратувчиси, миллат давомчиси деб улуғланади. У тарбиялаб, юрт хизматига шай қилиб вояга етказган фарзандларнинг ютуқлари эса аёл кўнглини тоғдай кўтариб, меҳнатлари самарасини белгилайди.*

*Партия хотин-қизларни жамиятни модернизация қилиш ва янгилаш, маънавий қадриятларни, халқ анъаналарини сақлаш ҳамда бойитиш жараёнида тўлақонли ва фаол иштирок этишини таъминлаш йўлида изчил фаолият олиб боришни устувор вазифаси деб билади.*


ЎзМТДП сэйловли Платформасидан

Мамлакатимизда хотин-қизларга оид давлат сиёсатининг изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилиши аёлларнинг кенг қўламли ислохотлар жараёнидаги иштирокини янада кучайтирмокда. Хусусан, "Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини кўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасида давлат ва жамият

қурилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент Фармонлари хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий жабҳаларда муҳим масалаларни ҳал қилиш, давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокини оширишга хизмат қилмокда.

3-бет

**Дикқат, обуна!**  
«Milliy tiklanish» газетасига 2014 йил учун обуна бўлишни унутманг. Обуна барча алоқа бўлимларида қабул қилинмокда.  
**Индекс: 158**



## "Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158



(Давоми. Боши 1-бетда)

Партия лойиҳаси



Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ЎзМТДП эътиборида

партиянинг иқтисодий йўналишдаги вазифалари Ангрэн индустриал зонаси мисолидаги амалий семинарда кенг муҳокама қилинди

мат қилмоқда. Жумладан, давлатимиз раҳбарининг "2013-2015 йилларда Тошкент вилояти sanoat саноат салоҳиятини ривожлантириш дастури тўғрисида"ги Қарори Ангрэн махсус индустриал зонаси салоҳиятидан унумли фойдаланган ҳолда ишбилармонлик муҳитини яратиш, янги корхоналарни ташкил этиш, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини модернизациялаш, маҳаллий ва хорижий инвестицияларни жалб этган ҳолда металлургия, қурилиш материаллари, электротехника, кимё sanoati ва кенг турдаги ноолик-овкат халқ истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи энгил саноат корхоналарини ривожлантиришда муҳим ўрин тутди.

Бугунги кунда Ангрэн махсус индустриал зонасида (МИЗ) қиймати 260 миллион долларга тенг бўлган 11 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилмоқда. Хусусан, шакар заводи қуриши, ишлатилган автомобиль мойларини қайта ишлаш, керамик плиталар тайёрлаш, терини қайта ишлаш ва ундан тайёр маҳсулот этиш ишлаб чиқариш, ҳар хил ўлчамдаги мис қувурлар, кўмир брикет ва санитар-керамиклар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш чора-тадбирлари қўрилмоқда. Таъкидлаш жоизки, МИЗ доирасидаги мазкур лойиҳаларнинг ишга туширилиши натижасида 1200 дан ортиқ иш ўринлари яратилади.

"2013-2015 йилларда Тошкент вилоятининг йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент қарори ижроси ҳамда аҳоли фаровонлигини таъминлаш мақсадида Ангрэнда миллий аъналар ва замонавий шарҳосозлик талабларига мувофиқ, шаҳар архитекуратив қиёфасини тубдан яхшилаш ҳамда ободонлаштириш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмасини янада ривожлантириш юзасидан кўплаб қурилиш, таъмирлаш ва реконструкция ишлари амалга оширилмоқда. Фарғона водийси билан Тошкент шаҳрини ўзаро боғловчи кўприк ҳисобланувчи Ангрэн шаҳрида йўл-транспорт тизими яхшиланди, қарийб, 7 км марказий кўчалар жорий таъмирланди.

Шаҳарда бандлик дастурига асосан, жорий йилнинг 9 ойи давомида 3944 та янги иш ўрни яратиш режалаштирилган бўлиб, амалда 3976 та янги иш ўрни яратилди ва ойлик режа 101 фоизга бажарилди. Жумладан, мазкур даврда касаначилик йўналишида кўзда тутилган 430 та иш ўрни 100 фоизга бажарилди. Умуман, бугунги кунда Ангрэн шаҳрида амалга оширилаётган кенг қўламли саъй-ҳаракатлар аҳоли фаровонлиги ҳамда мамлакатимиз иқтисодиёти тараққиётига хизмат қилиши билан аҳамиятлигида амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишиш, шунингдек,

- Ангрэн махсус индустриал зонасида 11 та лойиҳа амалга оширилмоқда
● Ушбу лойиҳалар асосида 1200 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилади
● ЎзМТДП фаоллари партиянинг иқтисодий соҳадаги мақсад-вазифаларидан келиб чиққан ҳолда Ангрэн махсус индустриал зонасида амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишиши
● Ангрэн махсус индустриал зонасида 2014 йилда 4 та лойиҳа, 2015 йилда эса умумий қиймати 30 млн. долларга тенг бўлган 2 та лойиҳа ишга туширилиши режалаштирилган

ватлашни асосий мақсадларидан бири сифатида белгиланган ЎзМТДП билан ҳамкорликдаги мазкур даврда суҳбат айлани вақтида ташкил этилган ишчи алоҳида таъкидлаш лозим.

Тадбирда ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроа Кўмитаси раиси Сарвар Отамуратов "Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш — ЎзМТДПнинг устувор вазифаси" мавзусида маъруза қилди. — Мустақиллигимизнинг илк кунлариданоқ мамлакат тараққиёти ва аҳоли фаровонлигини таъминлашнинг муҳим тармоғи ҳисобланган иқтисодиёт соҳасига алоҳида эътибор қаратила бошланди. Бу борада Давлатимиз раҳбари томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда Сенатининг қўшма йиғилишида тақдим этилган Концепция мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг миқёсли ислохотларни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқди. Айниқса, мамлакатимизни сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан модернизация қилиш, фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини тубдан кучайтириш, жумладан, сиёсий партияларнинг қонунлар ва қарорлар қабул қилишидаги иштирокини янада жадаллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу масъ-

улиятчи вазифалардан келиб чиқиб, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, партиявий дастурий мақсад-вазифаларни изчиллик билан амалга ошириш борасида бир қатор янги лойиҳаларни илгари сурмоқда. Хусусан, партия Дастури ва сайловолди Платформасида белгиланган иқтисодий соҳадаги мақсад-вазифалардан келиб чиққан ҳолда ташкил этилган мазкур давр суҳбати Ангрэн махсус индустриал зонасида амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишиш, шунингдек,

партия электорати ҳисобланган ҳудуддаги маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, хунарманд, касаначилар ҳамда оилавий тадбиркорлар билан юзма-юз учрашиб, уларнинг фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашишда муҳим аҳамият касб этади. Таъкидлаш жоизки, Ангрэн махсус индустриал зонасида фаолият кўрсатадиган корхоналарга киритилган инвестициялар ҳамжиги қараб 3 йилдан 7 йилгача бўлган муддатга кенг қўламли солиқ ва боғжона имтиёзлари ҳамда преференциялар қўлланилади. Уларнинг инфратузилма объекллари ва коммуналхоналарга баёқлатилиши уланishi таъминланади. Бундай имтиёз ва имкониятлар, Ангрэнга темир йўл боргани ва унинг электрлаштирилгани, водий вилоятларига эл-тўвчи автомобиль йўлининг талаб даражасига келтирилгани, Ангрэннинг пойтахтга яқинлиги ва бу ердан Тошкент шаҳрига кирмасдан Сирдарё, Жиззах ва бошқа вилоятларга ўтиш имконияти мавжудлиги сармоядорларнинг "Ангрэн" махсус индустриал зонасига бўлган қизиқишини тобора оширмоқда. Қайд этиш жоизки, Ангрэн махсус индустриал зонасида амалга оширилаётган кенг қўламадаги ишлар

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг иқтисодий йўналишдаги мақсад-вазифалари билан ҳамроҳандир. Хусусан, ЎзМТДП сайловолди Платформасида ҳуқуқий ва иқтисодий воситаларни янада такомиллаштириш орқали мамлакат ишлаб чиқарувчиларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга ва бутун жамиятга катта зарар етказётган товарлар контрабандасига қарши курашиш, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган товарларни жаҳон бозорларига олиб кириш, халқаро майдонга "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган" брендини олиб кириш, истеъмол товарлари ва хизматлар соҳасида миллий брендлар юзага келишига кўмаклашиш устувор вазифалар сифатида белгиланган. Мазкур дастурий вазифаларнинг махсус индустриал зонасида, умуман, Ангрэн шаҳрида ижро қилинишида маҳаллий Кенгашларга ЎзМТДПдан сайланган депутатлар ҳамда партия Ангрэн шаҳар Кенгаши ходимларидан янада фаоллик ва ташаббускорлик талаб этилади. Яъни МИЗ доирасида яратилиши кўзда тутилган янги иш ўринларига навқирон ёшларни жалб этиш, уларнинг иш билан таъминлинишига кўмаклашиш, шунингдек, ҳудудда фаолият кўрсатаётган хунарманд, касаначи ва оилавий тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, партия лойиҳаси асосида имтиёзли банк кредитлари ажратилишига кўмаклашиш ЎзМТДП ҳудудий Кенгаши вакилларининг эътибор марказида бўлиши лозим, - деди партия етакчиси.

Дарҳақиқат, шаҳарда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ҳамда Ангрэн МИЗ доирасидаги ишлар ЎзМТДП Дастури ва сайловолди Платформасида белгиланган иқтисодий соҳадаги стратегик мақсад — аҳоли турмуш даражасини реал ва жиҳдий оширишнинг омили сифатида иқтисодий суверенитетни, иқтисодий ҳафсизлигини мустаҳкамлаш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўшим-

ча равишда рағбатлантириш асосида хориждан келтирилган маҳсулотларни маҳаллийлаштириш ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтиришга кўмаклашиш вазифалари билан муштаракдир.

Тадбирда Ангрэн МИЗ маъмурияти вакили махсус индустриал зона фаолияти ҳамда истиқболлари, амалга оширилаётган лойиҳалар ҳамда атирофдаги маълумот берди. Эътироф этилганки, Ангрэн махсус индустриал зонасининг умумий ер майдони 14,5 минг гектардан иборат. Бугунги кунда МИЗ доирасидаги 3 та лойиҳа устида иш бошланган. 2014 йилда эса яна 4 та лойиҳа, 2015 йилда умумий қиймати 30 млн. долларга тенг бўлган 2 та лойиҳа ишга туширилиши режалаштирилган.

Давра суҳбати давомида шаҳардаги қатор ташкилот ва идоралар вакиллари, партия аъзолари ва ёшлар сузга чиқиб, ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилишди. Таъкидлаш жоизки, Ангрэн махсус индустриал зонасига бўлган қизиқишини тобора оширмоқда. Қайд этиш жоизки, Ангрэн махсус индустриал зонасида амалга оширилаётган кенг қўламадаги ишлар

моқда. Бугунги семинар натижасида сафдошларимиз сони янада ортиши шубҳасиз.

Нилуфар УМАРОВА, партия аъзоси, тадбир иштирокчиси: — Коллежда инглиз тилидан дарс бераман. Бугунги кунда мамлакатимизда чет тилларни ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, Ангрэн МИЗ лойиҳаларини амалга оширишда, шу билан бирга мазкур лойиҳаларга чет эллик сармоядорлар катта қизиқиш билдираётган бир пайтда ёшларимизнинг чет тилларни пухта эгаллашлари муҳим аҳамият касб этади. Шундай экан, мамлакатимиз иқтисодиёти раванкага кичик бўлсада ўз ҳиссамни қўшаётганимдан хурсандман.

Марҳамат АБДУРАҲМОНОВА, хунарманд: — ЎзМТДПнинг дастурий мақсадларида хунармандчиликнинг барча турларини ривожлантиришга кўмаклашиш вазифаси белгилаб қўйилган. Бу борада партия томонидан жойларда амалий семинарлар ўтказилиб, хунарманд ва оилавий тадбиркорларга имтиёзли банк кредитлари берилишига кўмаклашиш келинаётганлигидан хабарим бор. Мен ҳам Ангрэн шаҳрида ўз хунармандчилик фаолиятини кенгайтириш мақсад қилиб, партияга мурожаат қилдим. Бу борада партия вакиллари тегишли кўрсатма ва тавсияларни беришди. Шу билан бирга партия лойиҳаси асосида имтиёзли банк кредитларини олишга муваффақ бўлсам, фаолиятимни ривожлантириш баробарида ёшларга миллий хунармандчилик сирларини ўргатиш, уларнинг иш билан таъминлинишига кўмаклашиши мақсад қилдим.

Мухтарома КОМИЛОВА, "Milliy tiklanish" муҳбири

Муносабат

Куёш энергиясидан фойдаланиш

энергетика мустақиллигида самарали йўл ҳисобланади

(Давоми. Боши 1-бетда)

Жумладан, Осиё тараққийоти банки билан ҳамкорликда Самарқанд вилоятида 100 мегаватт қувватга эга бўлган куёш фотозлектр станциясини қуриш бўйича пилот лойиҳа амалга оширилаётгани, шунингдек, келгусида юқори самара берадиган, янги технологияларга асосланган бир нечта йирик куёш электр станциясини барпо этиш мақсадида Ўзбекистоннинг олтига ҳудудда энг замонавий ўлчаш станциялари жойлаштирилганлиги эътироф этилди. Таъкидлаш жоизки, соҳада амалга оширилаётган бу каби саъй-ҳаракатлар замирида давлатимиз миллий иқтисодиётини ривожлантириш ва мамлакатимизнинг энергетика йўналишида эришган мустақиллигини янада мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади.

Эътироф этиш жоизки, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси дастурий мақсадларида Ўзбекистон табиғати, бой табиий ресурсларига нисбатан асраб-авайлаш муносабатда бўлишни, улардан ҳозирги ва келгуси авлодлар манфаатлари йўлида оқилона фойдаланишни таъминлашга кўмаклашиш устувор вазифа сифатида белгиланган. Президентимизнинг мазкур нутқида эътироф этилган масалалар ушбу дастурий вазифалар ижросини янги босқичга кўтаришни тақозо этади.

Бахтиёр ҚўШАКЕВ, ЎзМТДП фракцияси аъзоси

\* \* \*

Истиқлол йилларида мамлакатимизда Давлатимиз раҳбари раҳнамолигида иқтисодиёт тармоқларига янги ёндашувларни таъбиқ этиш, инновацион технологияларни ривожлантириш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш борасида кенг қўламли ислохотлар олиб борилмоқда. Жумладан, энергетика тизимини модернизация қилиш, энергия ҳосил қилишнинг муқобил манбаларидан фойдаланиш борасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар диққатга сазовордир. Ўзбекистон Республикасининг "Электр энергияси тўғрисида"ги ҳамда "Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида"ги Қонунлари, шунингдек, Президентимизнинг "Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони соҳа ривожига муҳим аҳамият касб этмоқда, яъни куёш энергиясидан оқилона фойдаланиш учун кенг имкониятлар эшигини очмоқда.

Осиё куёш энергияси форумининг олтинчи йиғилиши дунё ҳамжамияти эътиборини юртимизга қаратгани шубҳасиз. Унда Осиё тараққийоти банки ҳамда бошқа қатор нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари, дунёнинг ривожланган мамлакатларининг куёш энергияси соҳаси бўйича мутахассислари ва экспертлар, нуфузли илмий-тадқиқот марказлари вакиллари иштирок этди.

Анжуманда маъруза қилган давлатимиз раҳбари куёш энергетикаси йўналишида мамлакатимиздаги мавжуд улкан салоҳият, бу борада амалга оширилаётган ислохотлар ва унинг истиқболларига эътибор қаратилди. Маърузада таъкидланганидек: "Цивилизациялар тарихида энг самарали энергия манбаларини топиш доимо алоҳида аҳамиятга эга бўлиб келган. Биринчи навбатда, электр ва иссиқлик энергиясининг асосий хом ашёси бўлган углеводород захираларини ўзлаштириш учун сўнгги ўн йилликда улкан миқдордаги инвестиция маблағлари йўналтирилди ва йўналтирилмоқда. Халқаро энергетика агентлиги маълумотларига кўра, дунёда электр энергияси ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари ўртача 3,4 фоизни ташкил этаётган бир пайтда, қайта тикланадиган энергия манбаларининг энг истиқболли таркибий қисми бўлган куёш энергияси кейинги беш йил давомида ҳар йили мисли қўрилмаган суръатларда, яъни 60 фоизга ошмоқда".

Президентимизнинг бу борада юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар ва истиқболдаги режалар ҳақидаги мулоҳазалари анжуман иштирокчилари эътиборини тортиди. Зеро, маърузада билдирилган долзарб фикрлар юртимизнинг ҳар бир фуқароси келажаги билан чамбарчас боғлиқдир. Анжумандаги хулосалар, эришилган натижалар ва келгуси режалар Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сайловолди Платформасида илгари сурилган Ўзбекистоннинг бой табиий ресурсларидан оқилона фойдаланиш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, миллат генофондини ҳимоя қилиш каби дастурий мақсадлари ижобати йўлида ҳам муҳим омил бўлиши шубҳасиз.

Бойназар ЭЛАМОНОВ, халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат

Мавжуда РАҲАБОВА, ЎзМТДП фракцияси аъзоси:

— Ангрэн шаҳри йилдан-йилга чирой очиб, янги-янги объектлар барпо этилаётган, аҳоли манзиллари янада гавжумлашиб бораётган. Худуднинг иқтисодий тармоқлар, айниқса, sanoat ривожланишига қулайлиги бу ерда янги ишлаб чиқариш корхоналарини бунёд этилишига асос бўлмоқда. Таъкидлаш жоизки, Ангрэн махсус индустриал зонасида амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари мамлакатимиз иқтисодиёти ривожини, шунингдек, халқимизнинг муносиб турмуш даражасига эришишида муҳим аҳамиятга эга. Ўз сайловолди Платформасида мамлакатимизда яратилган мақбул инвестиция муҳитининг ҳуқуқий асосларини кучайтириш ва мамлакат инвесторларининг манфаатларини ҳимоя қилишга кўмаклашишни асосий мақсадларидан бири сифатида белгиланган Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси мазкур ҳудудда амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди.

Абдужаббор САЙДУЛЛАЕВ, халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат:

— Давлатимиз раҳбарининг "2013-2015 йилларда Тошкент вилояти sanoat салоҳиятини ривожлантириш дастури тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, вилоятимизда кенг миқёсдаги янги-янги ва ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Биргина Ангрэн МИЗ доирасида амалга оширилаётган лойиҳалар натижасида ҳудудда 1200 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилиши кўзда тутилган. Бу эса ҳудуд аҳолисини иш билан таъминлаш, айниқса, катта ҳаётга қадам қўяётган ёшларнинг бандлигини таъминлашда муҳим ўрин тутди. Бу борада ЎзМТДП дастурий

мақсадларида ҳам ҳаётга кириб келаётган мамлакатимизнинг ёш фуқароларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳаётда муносиб ўринларини топиши учун зарур ҳуқуқий ва самарали механизмларни қўлайтиришга кўмаклашиш каби вазифалар белгиланган. Ушбу дастурий мақсад-вазифаларнинг ҳудуддаги ижроси маҳаллий кенгаш депутатларидан ҳам фаоллик ва ташаббускорликни талаб этади. Зеро, айни кунга тулган, навқирон ёшдаги фарзандларимизнинг истеъдоди, маҳорати ва куч-қувватини юртимиз раванкаси йўлида сафарбар этишимиз лозим. Бунда эса яратилаётган ва мавжуд иш ўринларига ёшларни тўғри йўналтириш, уларни янги очилаётган корхона ва заводларга жалб қилиб бориш ишларига биз депутатлар масъулият билан ёндашишимиз даркор.

Ўткир АБДУҚОДИРОВ, ЎзМТДП Ангрэн шаҳар Кенгаши раиси:

— ЎзМТДП Марказий Кенгаши ташаббуси билан аънавий тарзда иккинчи мартаба ташкил этилган "Миллий иқтисодиётимиз ривожига маҳаллий ишлаб чиқаришнинг аҳамияти" мавзусидаги амалий семинарнинг Ангрэн шаҳрида ўтказилгани, ўз навбатида, ЎзМТДП Ангрэн шаҳар Кенгаши зиммасидаги масъулиятини янада оширади. Бугунги давр суҳбатида иштирок этган ҳудуддаги корхона ва ташкилотлар вакиллари партияимизга хайрихоҳлик билдиришди. Шу маънода партия шаҳар Кенгаши томонидан ҳудуддаги мавжуд корхона, завод, ташкилот ва идораларда партия дастурий вазифаларидан келиб чиққан ҳолда тарғибот тадбирлари ташкил этишни режалаштириб олдик. Таъкидлаш жоизки, ЎзМТДП Ангрэн шаҳар Кенгашида 1200 нафардан ортиқ партия аъзоси мавжуд. Улар 21 та бошланғич партия ташкилотларига бирлашган ҳолда партия гоё ва мақсадларини тарғиб қилишда фаол иштирок этиб келиш-

## Миллий қадриятларимиз

миллий манфаатларимиз асоси

### ТОШКЕНТ ШАХРИ

ЎзМТДП Тошкент шаҳар “Ёшлик” талабалар шаҳарчаси Кенгаши ва Тошкент давлат техника университети ҳамкорлигида “Ёшлар — гиёҳвандликка қарши” мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда партия Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, партия фаоллари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

— Мамлакатимизда контрабандага қарши курашиш, гиёҳвандликнинг олдини олишга қаратилган аниқ мақсадли тадбирларни ўтказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда, - деди тадбирни кириш сўзи билан очган ЎзМТДП фракцияси аъзоси Ж.Бобоев. — Таъкидлаш жоизки, аҳоли соғлигини муҳофаза қилиш ҳар қандай ривожланган демократик давлатнинг муҳим ижтимоий вазифаларидан саналади. Зеро, жамият ҳар томонлама етук, соғлом ва баркамол фуқаролар фаолияти асосида ривожланади, тараққий этади. Бу борада партияимиз ҳудудий ташкилотларида “Биз гиёҳвандликка қаршимиз” ширини остида кўплаб давра суҳбатлари, ўқув-семинарлар ташкил этилмоқда. Уйлашимизки, бундай тадбирлар гиёҳвандликка қарши кураш ҳамда фарзандларимизнинг бу йўлга киришининг олдини олишга муҳим аҳамият касб этади. Давра суҳбати якунида ёшларга мавзуга доир тарбиявий аҳамиятга эга видеоролик намойиш этилди.

### СИРДАРЁ

Халқ хунармандчилиги мамлакатимиз ҳаётининг ажралмас қисмига айланади, қадрияти ва аънаналаримизнинг қайта тикланиши ҳамда ривожланишига хизмат қилиб келмоқда.

ЎзМТДП Сирдарё вилоят Кенгаши ҳамда вилоят “Хунарманд” уюшмаси ҳамкорлигида “Миллий хунармандчиликни ривожлантириш — ЎзМТДП эътиборида” мавзусида тадбир ўтказилди. Унда партия фаоллари, бошланғич партия ташкилотлари етакчилари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

— Президентимизнинг 2010 йил 30 мартдаги “Халқ бадиий хунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада кўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Фармони қадриятларимиз давомчилари учун улкан имкониятлар эшигини очиб берди, - деди тадбирни кириш сўзи билан очган партия вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони етакчи мутахассиси М.Бегалиев. — Партияимиз электроратининг асосий қисмини хунармандлар, халқ усталари, касаначи ва рассомлар ташкил қилади. Вилоятимизда фаолият юритаётган уста-хунармандлар яратилган шароитлардан руҳланиб, ғайрат билан ижод қилмоқдалар. Ҳозирги кунда улар ёғоч, ганч уймақорлиги, мисгарлик, миллий каштачилик, кандакорлик, бешикчилик сингари хунармандчилик турлари билан шуғулланишмоқда. Партияимиз ўз электрорат вакиллари кўллаб-қувватлаш мақсадида Республика “Хунарманд” уюшмаси вилоят бўлими билан ҳамкорликда амалий саъй-ҳаракатлар олиб бормоқда.

Тадбирда таъкидланганидек, партия вилоят Кенгаши томонидан ўтказилаётган тадбирлар хунармандларни соҳага доир қонунлардан бохабар қилиш баробарида уларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларини бойитишга хизмат қилмоқда. Шунингдек, улар томонидан яратилган махсуслотлар кўрсатмаси, савдо-ярмаркалари ташкил этиш борасида олиб борилаётган бир қатор ишлар ўз самарасини бермоқда. Ўтказилаётган турли тадбирлар ва кўрсатмалар натижасида янгидан-янги иқтидор соҳиблари кашф этиляпти.

### ҚАШҚАДАРЁ

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг ҳуқуқий-демократик давлат ҳамда эркин фуқаролик жамиятини шакллантириш сари дадил қадам ташлади. Бу борада Бош Қомушимиз муҳим аҳамият касб этмоқда.

ЎзМТДП Миришкор туман Кенгаши томонидан “Конституция — миллий давлатчилигимиз ҳуқуқий асосидир” мавзусида тадбир ўтказилди. Унда партия “Ёшлар қаноти” етакчилари, “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати туман Кенгаши аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

— Конституция — буюк келажакимизнинг ҳуқуқий қафолоти, ифтихори, халқимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминловчи асосий Қомусидир, - деди партия туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Й.Очилов. — У нафақат бугунги кунимизнинг қомуси балки эртанги кунимиз ҳамда барпо этилаётган фуқаролик жамияти истиқболини белгилловчи муҳим ҳужжатдир. Эътироф этиш лозимки, партия ҳудудий ташкилотлари қошида “Ёш сиёсий билимдонлар” клуби ташкил этилган бўлиб, уларда ёшлар ижтимоий-сиёсий билимларини ошириб, ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган мақсад ва вазифаларни тарғиб-ташвиқ қилишга фаоллик кўрсатишмоқда.

Тадбир якунида ёшларнинг конституциявий билимлари синновдан ўтказилди. Фаол иштирокчилар партиянинг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Тўмарис АбЗам,  
“Milliy tiklanish” мухбири

## Донолик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони

ЎзМТДП “Аёллар қаноти” томонидан ўтказилган кўрик-танловнинг республика босқичи бўлиб ўтди



(Давоми. Боши 1-бетда)

Маълумки, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси ўз фаолиятини аниқ мақсадга қаратилган йирик лойиҳалар орқали амалга ошириб келмоқда. Аёллар, ёшлар, партия электорати вакиллари манфаатларини ифода этишга қаратилган лойиҳалар партиянинг кенг жамоатчилик орасидаги нуфузини оширишда муҳим аҳамият касб этаётди.

“Донолик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони” кўрик-танловини ҳам партиянинг шундай йирик лойиҳалари сирасига киритиш мумкин. ЎзМТДП сайловолди Платформасида партия хотин-қизларнинг жамиятни модернизация қилиш ва янгилаш, маънавий қадриятларни, халқанъаналарини сақлаш ҳамда бойитиш жараёнида тўлақонли ва фаол иштирокчини таъминлашга кўмаклашишни ўзининг асосий мақсадлари сифатида белгиланган.

“Донолик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони” кўрик-танлови ЎзМТДП дастури ва сайловолди Платформасида белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш, юксак билим ва малакага эга бўлган оқила хотин-қизларнинг сиёсий ва ҳуқуқий ташаббусларини рағбатлантириш, сиёсий етук аёллар ҳисобига партиянинг кадрлар захирасини мустаҳкамлаш, партия электроратининг мамлакатимиздаги сайлов тизими ва қонунчилик борасидаги билимларини, сиёсий онги ва маданиятини янада ошириш мақсадида ўтказиб келинмоқда. Партия Марказий Кенгаши “Аёллар қаноти” томонидан 2009 йилдан буён ўтказиб келинаётган мазкур нуфузли кўрик-танлов партия аъзолари орасидан кўплаб юксак билим ва иқтидор соҳибларини кашф этишмоқда.

Ўрни келганда таъкидлаш жоизки, кўрик-танловнинг жорий йилги босқичларида ҳам ҳақиқий билимдон ва доно хотин-қизлар саралаб олинди. Унинг туман ва шаҳар босқичлари партия ҳудудий ташкилотлари томонидан юқори савияда ўтказилди. Туман ва шаҳар босқичларидан муваффақиятли ўтиб, ғолибликни кўлга киритган қизлар танловнинг вилоят босқичида иштирок этдилар. Ҳудудий босқичларда мингдан ортиқ хотин-қизлар ўзларининг интеллектуал салоҳиятларини синновдан ўтказишди. Қарийб икки ой давомида бўлиб ўтган танловнинг ҳудудий босқичларида ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол иштирок этиб келаётган, ёши йилгирмадан кам бўлмаган, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг аъзоси бўлган хотин-қизлар иштирок этдилар.

Ўзбек миллий академик драма театрида бўлиб ўтган “Донолик ва ташаббускорлик - сиёсий етакчилик мезони” кўрик-танловининг республика босқичида нафосат маликаларининг дунёқарши, сиёсий-ҳуқуқий билимлари ва ташаббускорлиги синновдан ўтказилди. Унда ЎзМТДП Марказий Кенгаши аъзолари, Олий Мажлиси Қонунчилик пала-

таси депутатлари, партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоят Кенгашлари фаоллари, “Аёллар қаноти” етакчилари, ёшлар ва ОАВ вакиллари иштирок этди.

Тадбирни ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Сарвар Отамуратов кириш сўзи билан очди:

— Истиқлол йилларида инсон ҳуқуқларини таъминлаш, айниқса, ёшлар ва аёллар манфаатларини ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг муҳим йўналиши сифатида белгиланди. Хусусан, хотин-қизларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги ролини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Биргина сайлов жараёнида Олий Мажлис ва маҳаллий вакиллик органларига номзод қилинишида ҳар қайси партия томонидан хотин-қизларга қамда 30 фоиз ўрин ажратилишининг қонун билан мустаҳкамлаб қўйилгани аёлларнинг ислохотлар жараёнидаги фаоллигини оширди.

Эътироф этиш жоиз, хотин-қизлар манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга муносиб шароит яратиб бериш, иқтидор ва истеъдодини намойён қилиш жараёнида мамлакатимизда фаолият юритаётган сиёсий партиялар ҳам фаол иштирок этишга интиломоқда. ЎзМТДП ҳам ўз сафида мамлакатимизнинг оқила, зукко, ташаббускор, сиёсатчи ва олимпиада аёлларини бирлаштиришни мақсад қилган. ЎзМТДП сафидаги сиёсий етук аёллар партияимизнинг миллий қадрият, урф-одат ва аънаналарини асраб-авайловчи ва кўллаб-қувватловчи вакиллариридир.

Партияимизнинг хотин-қизлар йўналишидаги энг йирик ва аҳамиятли лойиҳаларидан саналган “Донолик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони” кўрик-танлови гоё ва мақсадларимизни юртимизнинг энг чекка ҳудудларига кириб бориб, тарғиб этилишида муҳим аҳамият касб этаётди. Танлов бир неча йиллардан буён партияимиз аъзолари орасидан ижтимоий-сиёсий фаол хотин-қизларни кашф этмоқда. Улар партиянинг дастурий мақсадларини кенг тарғиб қилишда ўзларининг ҳақиқий сиёсий етакчилик қобилиятларини намойён қилмоқдалар. Танловнинг нуфузи йилдан-йилга ортиб бораётганини мамнуният билан айтиш жоиз. Дастлабки йилларда ёш, тажрибасиз қизлар ўзларини кузатган бўлса, бугун улар орасида фан номзодлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга ЎзМТДПдан сайланган депутатлар, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари ва партияимиз етакчилари бор. Демакки, бугун минглаб қизлар ичидан ғолиб чиққан иштирокчилар бор билим ва иқтидорини вилоят хотин-қизларнинг вакили сифатида намойён қилдилар. Бизда эса бу қизларнинг билимларини синновдан ўтказиш, партияимиз ёшлари ва уларнинг келажаги ҳақида муайян хулосага келиш имконияти пайдо бўлади, - деди партия раҳбари.

Кўрик-танлов давомида мамлакатимизнинг барча ҳудудидан республика босқичига етиб келган 14 нафар иштирокчи учта шарт бўйича ўзаро беллашдилар. Ҳар би-

ташириш шартини иштирокчилар ўзлари ҳақида маълумот берган бўлишса, иккинчи “Агар мен депутат бўлсам” шартини иштирокчилар бўлажак депутат сифатида ишлаб чиққан лойиҳаларини тақдим этишди. Унда ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда халқимизнинг миллий урф-одатларини асраб-авайлаш, ривожлантириш, ёшларда миллий гуруҳни шакллантириш, мафкуравий хуружларнинг олдини олиш, фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий саводхонлигини юксалтириш, миллий хунармандчилик ва касаначиликни ривожлантириш каби долзарб масалалар акс эттирилди.

Ўзига хос тарзда бўлиб ўтган тадбир давомида иштирокчиларнинг ҳар бири чикиши ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳолаб борилди. Қизгич ва муросасиз ўтган баҳслар якунида Фаргона вилояти вакиласи Дилнавоз Кўлдошева биринчи ўринга сазовор бўлган бўлса, Тошкент шаҳри иштирокчиси Иноятхон Бахтиёрхўжа қизи иккинчи ва навоийлик Лайло Орузева учинчи ўринга лойиқ деб топилди.

### СЎЗ — КЎРИК-ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИГА:

**Дилнавоз Кўлдошева,**  
“Донолик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони” республика кўрик-танлови ғолиби, Фаргона вилояти:

— Қалбимдаги ҳаёжонимни ифодалаш қийин. Ўтган йиллар мобайнида республика миқёсидаги кўплаб танловларда иштирок этиб, ғолибликни кўлга киритдим. Давлатимизнинг нуфузли мукофоти Зулфия номидаги давлат мукофоти билан тақдирландим. Бугунги ютугим эса зиммамдаги масъулиятни яна бир бор оқлашга имкон яратди. Мазкур лойиҳа партияимиз сафидаги хотин-қизларнинг ҳар томонлама билими, етакчи ва ташаббускор бўлиши, қонунлар, Президент асарлари, нутқлари ҳамда давлат дастурларининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини тарғиб қилишда аёллар фаоллигини оширишга хизмат қилмоқда. Шунингдек, мамлакатимизда сиёсий, иқтисодий ҳамда маънавий-маърифий соҳаларда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар моҳиятини аҳоли орасида тушунтириш, тарғиб қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

**Иноятхон БАХТИЁРХЎЖА қизи,**  
иккинчи ўрин соҳибаси, Тошкент шаҳри:

— Кўрик-танловга тайёргарлик қилиш жараёнида партиявий билимларимни ошириш баробарида ЎзМТДПдан сайланган депутатлар фаолияти билан яқиндан танишиш имконига эга бўлдим. Улар томонидан амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар, ташаббуслар мени янада руҳлантирди. Лойиҳанинг иккинчи “Агар мен депутат бўлсам” номли шарт пухта тайёргарликни талаб этди. Тайёрланиш асосида, Тошкент шаҳрида экологик муҳит барқарорлигини таъминлашга кўмаклашиш ва бу жараёнда ёшлар иштирокчини кенгайтиришга эътибор қаратдим. Қолаверса, лойиҳа партиявий фаолиятимизда, ЎзМТДП мақсад ва вазифаларини кенг жамоатчиликка етказишда замонавий сиёсий технологиялардан унумли фойдаланишни ўргатди.

**Лайло ОРЗИЕВА:**  
учинчи ўрин соҳибаси, Навоий вилояти:

— Мамлакатимизда хотин-қизлар йўналишида қатор қонунлар, қонуности ҳужжатлари ва давлат дастурларининг қабул қилиниши уларнинг ислохотлар жараёнидаги иштирокчининг кенгайтиришга имкон яратмоқда. Мен ҳам барча тенгдошларим қатори истиқлол имкониятларидан унумли фойдаланиш келаятган ёшларданман. Бугунги танлов доно ва зукко дўстлар ортириш билан бирга сиёсий фаоллигим ошишида айна мудоао бўлди. Алоҳида таъкидлаш жоизки, ЎзМТДПнинг мазкур лойиҳаси хотин-қизларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, жамият ҳаётида олиб борилаётган кенг қамровли ислохотларга дахлдорлик туйғусини янада кучайтириш, уларда эркин фикр ва мустақил позицияни шакллантиришга хизмат қилмоқда.

Шоҳида ДАМАНОВА,  
“Milliy tiklanish” мухбири

### Бошланғич партия ташкилотлари — бош таянчимиз

## Ёшлар таълим-тарбияси

фаолиятимиз самарадорлигини таъминлайди

Бугунги кунда сиёсий партиялар юртимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар жараёнида фаол иштирок этишга интиломоқда. Улар жамиятда рўй бераётган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар, амалдаги қонунлар, давлат дастурлари мазмун-моҳиятини ўз дастурий мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда аҳоли орасида тарғиб қилишмоқда. Бу жараёнларда, айниқса, бошланғич партия ташкилотлари фаоллиги муҳим аҳамият касб этади. Қўзон педагогика коллежи қошида ташкил этилган ўқитувчилар жамоасидан иборат БПТ ўз фаолияти давомида партия дастурий мақсадларини тарғиб қилишга эътибор қаратмоқда.

ди БПТ етакчиси Феруза Ортикова. — Зеро, бошланғич ташкилотлар зиммасига юклатилган электрот манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган саъй-ҳаракатларни амалга ошириш ва жамоатчилик орасида партия дастурий мақсад-вазифаларини тарғиб қилиш каби вазифалар улардан янада фаоллигини талаб этади. Шу боис партия шаҳар Кенгаши кўйи бўғинлар фаолиятини янада кучайтиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Таъкидлаш жоизки, партия гоё ва мақсад-

ларини аҳолига етказиш, аъзолар ва хайрихоҳлар сафини кенгайтиришда тарғиб тадбирларини ўтказиш кўйи бугуннинг асосий иш мезонига айланган. Айни кунда коллежимизда фаолият кўрсатаётган бошланғич партия ташкилоти 30 нафар ЎзМТДП аъзосини бирлаштирган. Ҳозирда аъзолар сонини янада кўпайтириш, тадбирлар ташкил этиш бўйича муайян ишлар олиб бормоқдамиз. Амалга ошираётган саъй-ҳаракатларимиз натижасида аъзолар сонини яна 10 нафарга кўпайди, - дейди суҳбатдошимиз.

БПТ ўз фаолияти мобайнида ёшларни миллий истиқлол гоёси ва Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш масаласига алоҳида эътибор қаратмоқда. Бу борада турли тарғибот тадбирлари ташкил этилиб, ёшларнинг фаол иштироки таъминланмоқда. Шунингдек, халқимизнинг миллий қадрияти, аънава ва урф-одатларини асраб-авайлаш ва кенг тарғиб қилишга кўмаклашиш каби партия дастурий вазифалари тадбир, учрашув ва мулоқотлар мазмун-моҳиятида тўла акс этмоқда.

— Партия дастурий вазифаларини тарғиб қилиш мақсадида шаҳар ҳокимлиги ва хотин-қизлар кўмитаси, “Қамолот” ЁИХ шаҳар Кенгаши, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди шаҳар бўлими ва бошқа муассасалар билан ҳамкорликда мунтазам тарғибот тадбирлари ташкил этилмоқда, - дейди кўйи бўғин фаоли, коллеж директори Нафиса Усмонова. — Ҳазиро ҳамкорликдаги ишларимиз кўйи бўғин фаолиятини жонлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, ёшларда

Ватанни ҳурмат қилиш, севиш ва у билан фахрланиш, мамлакатимиз фуқароларида жамиятда кечаётган ислохотлар жараёнига дахлдорлик туйғусини шакллантиришга кўмаклашиш мақсадида амалга ошираётган ишларимиз партия дастурий вазифалари ижросига қаратилганлиги билан эътиборга лойиқ.

Ўқитувчи ва мураббийларимиз ўқувчиларнинг дарсдан бўш вақтларини мазмунли ташкил этишга ҳам алоҳида эътибор қаратишади. Ўқувчиларимиздан Севера Мехмоналиева спортнинг қўл жанги бўйича ўтказилган Ўзбекистон очик чемпионатида ўз вазинида биринчи ўринни эгаллади. Нодирабегим Мелибоева футбол бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси ҳисобланади. Бектемир Мелиқўзиев бокс бўйича Россиянинг Анапа

шаҳрида ўтказилган халқаро турнирда ғолиб бўлди. Нодира Умархўжаева “Ораста қизлар” танловининг республика босқичига қатнашди. Ёшларимизни билими, маънавияти, кенг дунёқарашга эга бўлган, ҳар жиҳатдан баркамол инсонлар бўлиб воғга етишлари учун бутун диққат эътиборимиз, бор куч ва билимимизни сарфлаймиз.

Мухтасар айтганда, Қўзон педагогика коллежи қошида фаолият юритаётган бошланғич партия ташкилоти аъзолари ЎзМТДП дастурий мақсадлари ижобати йўлида самарали фаолият олиб бориб, электрот манфаатларини ҳимоя қилиш, партия нуфузини ошириш ва аъзолар сонини кўпайтиришга интиломоқдалар.

Эркин ДОРИПОВ,  
“Milliy tiklanish” мухбири

— Кўйи бўғинларнинг самарали фаолияти сиёсий партиянинг

мақсад ва гоёларини амалга оширишда муҳим ўрин тутати, - дей-

Қонунчилик палатасида



Фракция йиғилиши

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси йиғилишида кўйи палата ялини мажлиси муҳокамага киритишга назарда тутилган қатор қонуни лойиҳалари ҳамда бошқа масалалар кўриб чиқилди. Унда фракция аъзолари, вазирлик ва ташкилотлар раҳбарлари, экспертлар, мутахассислар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил тўққиз ойидаги ижроси яқунлари тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Таъкидланганидек, Президентимиз томонидан жорий йил 18 январда Вазирлар Маҳкамаси мажлисида белгилаб берилган 2013 йилга мўлжалланган мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифаларининг изчил амалга оширилиши ҳисобига ўтган тўққиз ойда иқтисодийнинг барқарор ўсиши ва макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш таъминланди. Хусусан, жорий йилнинг тўққиз ойида ялини ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 8,1, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 9,4, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми 6,8, чакана савдо товар айланмаси ҳажми 14,7 ва хизмат кўрсатиш ҳажми 13,0 фоизни ташкил этди. Шунингдек, Давлат бюджети даромадлари ялини ички маҳсулотга нисбатан 22,5 фоизни, харажатлари 22,3 фоизни ташкил қилди ва Давлат бюджети ялини ички маҳсулотга нисбатан 0,2 фоиз профицит билан ижро этилди.

Хисобот даврида Давлат бюджетининг харажат қисмида асосий эътибор унинг ижтимоий йўналтирилганлигига, яъни таълим, соғлиқни сақлаш, аҳолини мақсадли ижтимоий кўллаб-қувватлашга, бюджетдан маблағ олувчиларнинг иш хақи, пенсия, стипендия ва нафақаларини ҳамда биринчи даражали тўловларни ўз вақтида молиялаштиришга, бюджет маблағларининг газна ижросини таъминлашга, уларнинг самарадорлигини оширишга қаратилган. Аҳоли бандлигини таъминлаш ва истеъмол талабини рағбатлантиришга доир дастурий чора-тадбирларнинг амалга оширилиши аҳоли жами реал даромадини 15,9 фоизга, ўз навбатида, чакана савдо айланмасини 14,7, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш ҳажмини 13,0 фоизга ва аҳолининг тижорат банклари депозитларидаги омонатларини 1,3 бараварга ошириш имконини берди.

Фракция аъзолари маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ва аҳоли даромадларига солиқ юкласини камайтириш мақсадида олиб борилган солиқ сиёсатидаги эътибор қаратишди. Жумладан, мазкур йўналишда жорий йилда айрим бевосита солиқларнинг ставкалари камайтирилган бўлишига қарамастан, 2013 йилнинг 9 ойида бевосита солиқлар тушуми 2012 йилнинг тегишли даврига нисбатан 18,7% ошди. Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий кўллаб-қувватлашга харажат Давлат бюджетининг 59,7 фоиз, ялини ички маҳсулотга нисбатан эса 13,3 фоизни, таълим муассасалари таъминоти ва уларни ривожлантириш харажатлари ижтимоий соҳа харажатларининг 57,5 фоизини ташкил этди.

Фракция йиғилишида эътироф этилганидек, касб-хунар коллежларини ўқув-амалий машғулотларни ўтказиш учун сарфланадиган материаллар ҳамда зарур хомашё билан таъминлаш, ўқув амалиётларини ташкил этиш учун зарур бўлган хомашё ва материаллар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, ўқув амалиёти ўтказиш талабига жавоб берадиган 1163 та касб-хунар коллежларига 2382 турдаги хомашё ҳамда ёқилғи-мойлаш материалларини харид қилиш учун 2013 йил маҳаллий бюджетлар параметрларида 10,0 млрд. сўм маблағлар режалаштирилиб, жорий йилнинг 9 ойида хомашё сотиб олишга 5,9 млрд. сўм ёки йиллик харажатларнинг 59,0 фоизи молиялаштирилган.

Муҳокама чоғида сўз олган фракция аъзолари ЎзМТДП дастурий мақсадларидан келиб чиқиб, давлат бюджети ижроси билан боғлиқ қатор масалаларга эътибор қаратишди. Жумладан, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга солиқ ва бошқа тўловлар бўйича берилган имтиёз ҳамда имкониятлар ҳисобига қолаётган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланиш, яъни улар замонавий технологияларни жалб қилиш, маҳсулот сифатини оширишга сарфлагани лозимлигини таъкидладилар. Шундан сўнг депутатлар Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан тақдим этилган Давлат бюджетининг 2013 йил тўққиз ойидаги ижроси яқунлари тўғрисидаги ҳисоботни кўллаб-қувватладилар.

Фракция аъзолари "Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2014 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва ўшимчалар киритиш тўғрисида" - ги қонуни лойиҳасини биринчи ўқишда кўриб чиқашди. Эътироф этилганидек, ушбу қонун лойиҳаси 2014 йил учун мўлжалланган солиқ сиёсати концепциясига мувофиқ, шунингдек, қонун ҳужжатларининг айрим нормаларини аниқлаштириш мақсадида тайёрланган. Фракция аъзолари ЎзМТДПнинг сайловолди Харажат дастури ва ғоявий мақсад-муддаоларидан келиб чиққан ҳолда, ушбу қонун лойиҳасига нисбатан ўз нуқтаи назарларини баён этишди. Билдирилган тақлиф-мулоҳазалардан кейин ушбу қонун лойиҳаси биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан маъқулланди.

Йиғилишда қўрилган масалалар юзасидан фракциянинг тегишли қарори қабул қилинди.

Жамила НИЁЗОВА, ЎзМТДП фракцияси аъзоси:

— Йиғилишда муҳокама қилинган давлат бюджетининг жорий йил тўққиз ойлик ижроси яқунлари мамлакатимизни янада барқарор ривожлантириш ва аҳоли фаровонлигини таъминлашдек устувор йўналишларни амалга оширишда муҳим омили бўлганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бунда давлат бюджети харажатларида маҳаллийлаштириш дастурларининг муваффақиятли жорий этилиши ҳамда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, хунарманд ва оилавий бизнес вакилларига қатор имтиёزلарнинг яратилганлиги муҳим аҳамият касб этганлиги алоҳида эътироф этилди. Бу ЎзМТДП дастурий мақсадлари ва сайловолди Платформасида белгиланган ички истеъмол бозорларимизни ҳимоя қилиш, уларни ўзимизда ишлаб чиқарилган арзон ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдирish каби вазифаларнинг рўёбга чиқишига хизмат қилмоқда.

Урал ХАЙТОВ, ЎзМТДП фракцияси аъзоси:

— Фракциямиз аъзолари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2013 йил тўққиз ойлик ижросини партия дастурий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда муҳокама қилишди. Жумладан, таълим муассасалари таъминоти ва уларни ривожлантириш, маданият, спорт ҳамда оммавий ахборот воситалари, илм-фанни янада тараққий эттириш учун ажратилган харажатлардан самарали фойдаланиш бўйича тегишли тақлиф-таъсир ва фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳисобот даврида маданият, спорт ва оммавий ахборот воситалари учун харажатлар 194,4 млрд. сўмни ёки ижтимоий соҳага ажратилган маблағларнинг 1,8 фоизни, илм-фанни ривожлантиришга ҳисобот даврида 101,9 млрд. сўм ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 23,7 фоизга кўп маблағ сарфланган. Хусусан, Давлат илмий-техника дастурларининг устувор йўналишларини молиялаштиришга 69,0 млрд. сўмлик маблағ, шу жумладан давлат илмий-техника фундаментал тадқиқотлари ва устувор йўналишлари дастурларини молиялаштиришга 58,7 млрд. сўм ҳамда инновацион ишланмалар учун молиялаштиришга 10,3 млрд. сўм йўналтирилган.

Ўз мухбиримиз

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сайловолди Платформасида ўзликни англаш, мустақиллик мафқурасини мустаҳкамлаш, халқнинг маънавий ҳаётида миллий урф-одат ва анъаналарни қарор топтиришни янги босқичга кўтариш каби хайрли ишларни изчил давом эттириш устувор вазифа сифатида белги-ланган. Бу борадаги вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда партия сафида фаолият юр-таётган кадрлар салоҳи-ятини ошириш, уларнинг сиёсий, ҳуқуқий, маъри-фий ҳамда иқтисодий билимларини юксалти-риш, ЎзМТДП мафқураси ва ғоясини тарғиб этиш-нинг янги асоси ва ёндашувларини жорий этиш муҳим аҳамият касб этади.

Аввал хабар қилганимиздек, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши томонидан ўтказилаётган "Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фаолиятини янада такомиллаштиришда кадрлар салоҳиятини оширишнинг долзарб масалалари" мавзусидаги беш кунлик ўқув-семинарнинг биринчи қисми ниҳоясига етди. Тадбир иштирокчилари бўлган партия Анди-жон, Наманган ва Фарғона вилоят Кенгашлари ходимлари, етакчи му-тахассислар, "Аёллар қаноти", "Ёшлар қаноти" ҳамда туман Кенгашлари етакчилари қатор долзарб мавзуларда маърузалар тинглаш-ди. Жумладан, ўқув-семинар дастурига киритилган "Мамлакатимиз-да демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жа-миyatини ривожлантириш Концеп-цияси" — давлат бошқарувини де-мократлаштириш ва сиёсий парти-ялар фаолиятини оширишнинг янги босқичи", "Сайлов қонунчилиги ва сайловолди жараёнида ЎзМТДП-нинг иштироки", "Ўзбекистон Рес-публикаси ташқи сиёсат фаолияти концепциясининг асосий йўналиш-лари", "Дунё ҳамжамиятида кечаёт-ган сиёсий-мафқуравий жараёнлар: хорижий ва миллий тажриба" мав-зулардаги маърузалар иштирокчи-ларда катта қизиқиш уйғотди. Шу-

Ўқув-семинар

Партия кадрлари билим ва кўникмаларини ошириш

ЎзМТДП фаолиятини янги босқичга кўтаришга хизмат қилади



нингдек, тадбир давомида ЎзМТДП фаолиятини такомиллаштиришда хотин-қизлар ва ёшлар билан иш-лашнинг замонавий услублари, дав-лат ва жамият қурилишида замон-авий ахборот ва коммуникация те-хнологияларидан фойдаланиш, сиё-сий етакчилик сифатларини шакл-лантириш, миллий маънавият ри-важига "оммавий маданият" таҳ-дидлари каби масалаларга эъти-бор қаратилди.

Ўқув-семинар якунида иштирок-чиларнинг сиёсий-ҳуқуқий билим-ларини аниқлаш мақсадида тест си-новлари ўтказилиб, ходимлар-нинг билим даражаси 75 фоиздан 89 фоизга ўсганлиги кузатилди. Шу-нингдек, ўқув-семинарнинг ташки-л этиш ҳамда танланган мавзулар-нинг долзарблиги юзасидан ишти-рокчилар ўртасида сўровлар таш-кил этилганда 90 фоиз иштирокчи ижобий баҳо берган. Умуман, ўтган давр мобайнида партия тизимида фаолият кўрсатаётган 700 нафарга яқин ходим ўқув-семинарда ишти-рок этиб билим ва кўникмаларини оширган.

Алихон АТАМОВ, ЎзМТДП Наманган вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси девони раҳбари:

— Бугун мамлакатимизда де-мократик ислохотлар чуқурлашиб, партиялараро ракобат кучайиб бормоқда. Мазкур жараёнда ҳар бир партия ўз мафқураси ва ғояси-нини янгича қарашлар билан бойи-тиши, уни кенг жамоатчилик ора-сида тарғиб қилиб, сайловчилар ишончини қозонишга интилиши табиий. Бу борада партия фаоли-ятини янада такомиллаштириш, кадрлар потенциални шакллан-тириш, кучайтириш, уларнинг сиё-сий, ҳуқуқий, маърифий ҳамда иқтисодий билимларини ошириш талаб этилади. Партия Марказий Кенгаши томонидан ташкил этил-ган бу каби ўқув-семинарлар айни

мақсадларга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Тадбир давомида олиб борил-ган амалий машғулотлар иштирок-чиларга ўзаро тажриба алмашиш имконини берди. Бундан ташқари семинардан олган янги билим, кўникма ва маълумотлар иш фао-лиятимиз жараёнида асқотади.

Адхамжон МАДАМИНОВ, ЎзМТДП Хўжаобод туман Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси:

— Бугун жамиятимизда кечаёт-ган ислохотлар изчиллигини таъ-минлашда нодавлат нотижорат таш-килотлари, жамоат бирлашмалари, хусусан, сиёсий партиялардан ало-ҳида фаоллик ва ташаббускорлик талаб этилади. Мазкур жараёнлар-да эса сиёсий партияларнинг ҳар бир бўғини фаолигини кучайти-риш муҳим ўрин тутади.

Ўқув-семинарда тингловчилар эътиборига ҳавола этилган мавзу-ларнинг мақсадли йўналтирилгани ишимизга яна бир қарра танқидий-таҳлилий назар солишимизга турт-ки бўлди. Интерфаол, баҳс-муно-зара асосида олиб борилган маз-кур тадбир ЎзМТДП маҳаллий кен-гашлари фаолиятининг барча йўна-лишларида ўз самарасини бериши шубҳасиз.

Ноҳира АБДУХАЛИЛОВА, ЎзМТДП Фарғона вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси девони етакчи мутахассиси:

— Ўқув-семинарда ҳуқуқий, маъ-навий, иқтисодий, сиёсий билим-ларимизни ошириш билан бир қаторда партия ғоя ва дастурлари тарғиб этишининг янги асоси ва шакллари йўналган. Хусусан, ЎзМТДП фаолиятини такомилла-штиришда хотин-қизлар ва ёшлар билан ишлашнинг замонавий ус-лублари, кўйи бўғинлар, депутат-лик гуруҳлари фаолиятини янги бос-қичга кўтариш борасида янги маъ-лумотларга эга бўлди.

Камолитдин САЙДУЛОВ, "Milliy tiklanish" мухбири

Ташаббус ва натижа

ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТЛАРИ

аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринлари яратиш масаласи халқ депутатлари Фарғона вилоят кенгаши сессиясида муҳокама қилинди

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сайловолди Платформасида ҳаётга кириб келаят-ган мамлакатимизнинг ёш фуқаролари-ни ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳаётда муносиб ўрин топиб олишлари учун зарур ҳуқуқий ва самар-ли механизмларни кучайтириш устувор вазифа сифатида белгиланган. Мазкур дастурий мақсад ва вазифалар ижроси йўлида партия томонидан муайян сабъ-ҳаракатлар амалга оширилиб, тарғибот тадбирлари ташкил этилмоқда.

Аҳоли, хусусан, ёшлар бандлигини таъмин-лашга кўмаклашиш масаласи партия ташкилот-лари билан бир қаторда халқ депутатлари ма-ҳаллий кенгашларга ЎзМТДПдан сайланган де-путатлар фаолиятининг асосий мезонига айла-ниб бормоқда. Халқ депутатлари туман, шаҳар ва вилоят кенгаши сессияларига партия дасту-рий мақсадларидан келиб чиқиб киритилаётган ташаббус-масалалар орасида аҳоли бандлиги-ни таъминлаш масалалари ҳам талайгина.

Яқинда халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгаши сессиясига ЎзМТДП депутатлик гу-руҳи томонидан киритилган 2013 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг бажарилиши ҳамда 2014 йил аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринлари яратиш масаласи қизғин муҳокамалардан сўнг қарор қабул қилиниши-га эришилди.

— Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг нав-батдаги сессияси кун тартибига киритилган ташаббус-масала электротизимиз вакиллари, ёшлар, хотин-қизлар манфаатларини ифода эти-ши билан аҳамиятли, десак муболага бўлмай-ди, - дейди халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгашидаги ЎзМТДП депутатлик гуруҳи раҳба-ри Ф.Қосимов. - Боиси, ташаббусимизнинг амалга оширилиши аҳолининг иш билан таъ-минланишига хизмат қилади. Бу эса, кенг жамо-атчилик орасида партияимиз хайрихоҳларининг кўпайишига, ғояларимиз ҳар бир маҳалла, ҳар бир оиллага кириб боришига замин яратади.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, жорий йилнинг январь-август ойларида вилоятда 62 минг 952 та янги иш ўрни яратиш дастури тасдиқланиб, унинг асосида 64 минг 638 та иш ўрни ташкил

этилди. Янги иш жойларининг 11 минг 33 таси саноат корхонасида, 7 минг 836 таси қишлоқ хўжалигида, 2443 таси қурилиш соҳасида, 17 минг 978 таси савдо ва хизмат кўрсатиш соҳа-сида, 18 минг 792 таси оилавий тадбиркорлик ва касаначиликни ташкил этиш ҳисобига, 5 минг 920 таси ишлаб чиқариш ва инфратузил-мани ривожлантириш ҳисобига ва 636 таси бошқа тармоқларда ташкил этилди.

Аҳоли бандлиги, шу асосда унинг даромад-лари ва турмуш даражасини ошириш, шаҳар ҳамда туманларда меҳнат бозорининг эҳтиёж-лари, худудларни ижтимоий-иқтисодий ривож-лантириш устуворликларини ҳисобга олган ҳолда янги иш жойлари яратилиши юзасидан вилоятда бир қатор чора-тадбирлар белгилан-моқда. Бу борада амалга оширилган сабъ-ҳаракатлар билан бирга муайян камчиликлар-га ҳам йўл қўйилган. Жумладан, 2013 йилнинг январь-сентябрь ойларида кичик корхона ва микрофирмаларни ривожлантириш ҳисобига янги иш ўринлари яратиш бўйича белгиланган вазифалар Қувасой шаҳри, Сух, Ёзёвон, Бағ-

инвестиция, маҳаллийлаштириш ва худуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастур-ларига мувофиқ янги объектларни ишга туши-риш ва мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш, оилавий тадбиркорликни, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини янада ривож-лантириш, озиқ-овқат, нооziқ-овқат товарла-ри ишлаб чиқаришни кенгайтириш, уй меҳна-тини ташкил этиш, хунармандчилик ва касан-ачиликни ривожлантириш, паррандачилик, чорвачилик ва мева-сабзавотчиликка икти-сослаштирилган хўжаликларни ташкил этиш каби вазифалар белгиланди. Шунингдек, "Ма-ҳалла" хайрия жамоат фонди ва "Хунарманд" уюшмаси вилоят бўлимларига оилавий хунар-мандчилик билан шуғулланаётган фуқаролар-ни аниқлаш ва уларни расмий секторга ўтка-зиш бўйича аниқ чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш вазифаси топширилди. Қувасой шаҳри, Бағдод, Ёзёвон, Фарғона, Сўх, Фурқат туманлари ҳокимлари 2013 йилда янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли бандлигини таъ-минлаш вилоят дастурининг бажарилишида

- ЎзМТДП мамлакатимиз ёш фуқароларнинг ҳаётда муносиб ўрин топишига кўмаклашишни мақсад қилган
- Аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринлари яратиш масаласини ЎзМТДП депутатлик гуруҳи вилоят кенгаши сессиясига ташаббус-масала сифатида киритди
- Жорий йил вилоятда 64 минг 638 та иш ўрни яратилди

дод, Фарғона, Олтиариқ, Фурқат туманларида янги йўлга қўйилмаган. Маҳаллий ҳокимлик-лар ҳузуридаги ишчи комиссиялар фаолияти талаб даражасида ташкил этилмагани боис вилоятда 111 та корхонада кўзда тутилган 951 та иш ўрни яратилмасдан қолди.

Янги иш ўринлари яратиш дастурининг бажарилишида йўл қўйилган камчиликларни барта-раф этиш, 2014 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури лойиҳасини тасдиқлаш мақсадида халқ депу-татлари вилоят Кенгаши қарор қабул қилди. Қарорга мувофиқ, халқ депутатлари туман, шаҳар кенгашларига, туманлар ҳокимликлари-га, вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳо-фаза қилиш бош бошқармаси, иқтисодиёт бош бошқармаси, вилоят статистика бошқармаси, касаба уюшмалари вилоят кенгаши зиммасига масъулиятли вазифалар юклатилди. Жумладан,

назоратни тўлиқ ташкил эта олмгани, дастур асосида иш ташкил этишда йўл қўйилган камчи-ликлари учун оғохлантирилди. Халқ депутатлари вилоят Кенгаши қарор қабул қилди. Унинг амалга оширилиши эса халқ депу-татлари вилоят кенгашидаги ЎзМТДП депутат-лик гуруҳи зиммасига алоҳида масъулият юк-лайди. Қарор ижросини таъминлаш жараёнида ўз ваколатидан келиб чиққан ҳолда ҳаракат қилиш, бу борада учраётган камчиликлар юза-сидан депутатлик назоратини амалга ошириш депутатлик гуруҳининг ҳар бир аъзосидан фа-оллик талаб этади. Бу эса депутатларнинг халқ билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш баробари-да аҳолининг партияга бўлган ишончини оши-риши шубҳасиз.

Шоҳида МИРЗАЕВА, "Milliy tiklanish" мухбири

# Сиёсат

## Электорат манфаати

# 22 нафар ёш хунармандга

99.700.000 сўмлик имтиёзли кредит олиш имконини берувчи сертификатлар топширилди



(УзА) олган сурат.

- **Тижорат банклари томонидан ажратилаётган кредит маблағлари импорт ўрнини босувчи рақобатбардош, маҳаллий маҳсулотлар ишлаб чиқаришда муҳим аҳамият касб этмоқда**
- **Банк хизматлари ва маҳаллий хунармандчилик маҳсулотлари кўرғазмаси намоиш этилди**

қўллаб-қувватлаш партия сайловолди платформасининг устувор вазифаларидан саналади, - деди партия Фарғона

вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси девони раҳбари М.Қосимов. — Партиянинг Ўзбекистон Республикаси Марказий бан-

**ЎзМТДП Фарғона вилоят ва Бешарқ туман Кенгашлари томонидан “Кичик-бизнес ва миллий хунармандчиликни ривожлантириш — Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг иқтисодий йўналишидаги устувор вазифасидир” мавзусида тадбир ўтказилди.**

Унда партия вилоят ва туман Кенгашлари ходимлари, “Аёллар қаноти” ҳамда “Ёшлар қаноти” фаоллари, халқ депутатлари вилоят, туман Кенгашларига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар, Республика “Хунарманд” уюшмаси вилоят бўлими, “Тадбиркор аёл” уюшмаси, Марказий банк вилоят бошқармаси ходимлари, маҳаллий хунармандчилик раҳбарлари, касаначилар, оилавий тадбиркорлар, маҳалла фаоллари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда кичик бизнес, хусусий ва оилавий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида тижорат банклари томонидан ажратилаётган кредит маблағлари маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга қўшимча имтиёзлар яратиб, импорт ўрнини босувчи рақобатбардош, маҳаллий маҳсулотлар ишлаб чиқаришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

— Миллий хунармандчиликни ривожлантириш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўшимча равишда рағбатлантириш асосида хориждан келтирилаётган маҳсулотларни маҳаллийлаштириш ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, мамлакат ишлаб чиқарувчиларини самарали

## 8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни

# ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ

## демократия ва тараққиётнинг ҳуқуқий асоси

*Бугун мамлакатимизнинг асосий қонуни — Конституция ҳар бир фуқаро қалбдан эъзозловчи муқаддас ҳуқуқий қадриятга, умид, ишонч ва эзгу ниятлар қўرғонига айланди. Бинобарин, унда халқимизнинг олий мақсади, иродаси ўзининг теран ифодасини топган. Конституция асосида 1000 дан ортиқ янги қонун ва 15 та Кодекс қабул қилинди. Уларнинг барчаси Конституциямиз мазмунини акс этган фуқароларнинг муносиб ҳаёт кечирини таъминлаш ҳамда инсонпарвар демократик давлат барпо этиш йўлида хизмат қилиб келмоқда. Уларнинг ҳаётга татбиқ этилиши натижасида давлатимиз миллий қонунчилик, тинчлик ва барқарорлик, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда улкан ютуқларга эришиб келмоқда.*



Таъкидлаш жоизки, 1991 йил дунё харитасида янги мустақил давлат — Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлди. 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституция эса мустақил демократик Ўзбекистон давлатининг илк Конституцияси сифатида тарих зарварларидан ўрин олди. Конституциянинг муқаддасидан бошлаб барча моддалари мустақиллик гоғалари асосига қурилганлиги билан эътиборга моликдир.

Бош Қомусимизда Конституция ва қонун устуворлиги тамойили мустаҳкамлаб қўйилди. Бу эса мамлакатимизнинг ҳуқуқий-демократик давлат қуриши йўлидаги мақсадлари мазмунини тўла ифодалайди. Унда инсоннинг қундалик ҳаётдаги энг муҳим эҳтиёжларини таъминловчи имкониятлар - яшаш, шахсий дахлсизлик, суд жараёнида шахсий манфаатларини ҳимоя қилиш, турар жой дахлсизлиги

ҳуқуқи, фикрлаш, эътиқод, сўз ва виждон эркинликлари кафолатланган. Умуман, Конституциянинг ярашилишида кўп йиллик миллий давлатчиликимиз анъаналари инобатга олиниши билан бирга, жаҳон конституцияларининг тажрибала-ридан ҳам кенг фойдаланилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ўзида бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги, Ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пактлар ҳамда бошқа умум эътироф этилган халқаро ҳуқуқий ҳужжатларнинг қондаларини муҳассамлаштирган. Бу жиҳатлар энг инсонпарвар, демократик ва адолатли Қонун яратилишига асос бўлган.

Эътироф этиш жоизки, жамиятда қонунустуворлигини таъмин-

лаш, энг аввало, ҳуқуқий саводхонлик ва ҳуқуқий маданиятга, яъни ҳар бир фуқаро ўз ҳақи ҳуқуқини билиши баробарида ўзгалар ҳақ-ҳуқуқлари, давлат ва шахс манфаатларини ҳурмат қилишига боғлиқ. Шу боис, давлатимиз томонидан ҳуқуқий саводхонлик масаласига алоҳида эътибор берилганлиги, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш чоралари қўрилаётгани ҳам бежиз эмас. Президентимизнинг 2001 йил 4 январдаги “Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида”ги Фармойишига мувофиқ, бошланғич таълим босқичида бошлаб Конституцияни ўрганиш дарсликлари жорий этилди. Таълим босқичларида инсон ҳуқуқларига оид билим асослари, қонунчилик ва халқаро ҳуқуқнинг нормаларини ўрганишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Конституциямизда мустақил давлатимизнинг халқаро муносабатлардаги иштироки ва ташқи сиёсатининг асосий қондалари аниқифодаланган. Унга қўра, Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъекти бўлиб, унинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига ара-лашмаслик ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган бошқа қоида ва нормаларига асосланган.

Ўзбекистон мустақилликка эришган, босқичма-босқич амалга ошириладиган ислохотлар ва демократик тараққиёт йўлини танлади. Босиб ўтилган залворли йиллар бунинг нақадар тўри йўл эканини кўрсатди. Халқимиз танлаган йўл ва эришяётган ютуқлар “Ўзбек модели” сифатида дунёда эътироф этилмоқда. Ушбу моделнинг самараларини юртимиздаги тинчлик ва осойишталик, иқтисодий-иқтисодий барқарор ўсиш суръатлари, фуқароларимизнинг келажа-ка бўлган ишончи ва фаровон ҳаётига кўрмоқдамиз. Шу қунларда мамлакатимизда Конституция-мизнинг 21 йиллиги кенг нишонланмоқда. Халқимиз Бош Қомуси-миз тимсолида ўзининг мустақиллиги, эркин ва фаровон ҳаёти, бахти ва келажагини кўрмоқда. Асосий Қонунимиз бизнинг нафақат ҳуқуқларимизни ҳимоя қилиб, ка-фолатламоқда, шу билан бирга

ки ва Республика “Хунарманд” уюшмаси билан ҳамкорликдаги миллий хунармандчилик ва оилавий тадбиркорлик фаолиятини имтиёзли кредитлаш лойиҳаси бу борадаги ишлар самардорлигини таъминлашга хизмат қилмоқда. Айтиш жоизки, вилоятимиз миллий хунармандчиликнинг ўзига хос анъаналари ҳамда турли йўналишлари билан ном қозongan. Айниқса, халқ амалий санъатининг атлас ва адрас тўқиш, кулолчилик сингари турлари яхши ривожланган. Тадбирда партия вилоят Кенгаши ҳамда Марказий банк вилоят бошқармаси томонидан Бешарқ туманида оилавий тадбиркорлик фаолиятини бошлаш арафасида турган 22 нафар ёш хунармандга жами 99.700.000 сўмлик имтиёзли кредит олиш имконини берувчи сертификатлар топширилди.

Тадбирда партия фаоллари ҳамда соҳа мутахассислари томонидан хунармандчиликнинг ҳуқуқий асослари, соҳа ривожини яратилаётган имкониятлар ва солиқ имтиёзлари тўғрисида батафсил маълумотлар берилди.

Тадбирда банк хизматлари ва миллий хунармандчилик маҳсулотлари кўрғазмаси ҳам намоиш этилди.

### Лайлохон НОСИРОВА, хунарманд:

— Мен Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси вилоят Кенгаши томонидан ташкил этилган бугунги лойиҳада иштирок этганимдан хурсандман. Бойси, тўққиз миллион миқдорда имтиёзли кредит олиш имконини берувчи сертификатни қўлга киритдим. Ушбу маблаг қишлоғимизда тикув цехини очиб, хунармандчиликнинг тикувчилик йўналишини ривожлантиришда айна мудоа бўлади.

### Шаҳзод ҒАФФОРОВ, «Milliy tiklanish» мухбири

# Ҳуқуқий эксперимент

## ушбу жараёнда маҳаллий нашрлар қандай иштирок этмоқда?

Мазкур қонун лойиҳасида жамоатчиликни давлат ҳокимияти органлари фаолияти ҳақида хабардор қилиш процедуралари аниқ белгилаб берилган бўлиб, у аҳоли, оммавий ахборот воситалари ва жамоат бирлашмаларининг ушбу органлар томонидан қабул қилинаётган қарорлар, аввало, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинлиги ҳамда қонуний манфаатларига дахлдор қарорлари тўғрисидаги ахборотдан янада кенг фойдаланишни таъминлашга қаратилганлиги билан аҳамият-лидир. Яна бир муҳим жиҳат шундаки, ушбу ҳужжатнинг ҳаётга татбиқ этилиши сиёсий плюрализм, мамлакатимиз ва хорижда содир бўлаётган воқеалар ҳақида фикрлар хилма-хиллиги эътиборга олинган ҳолда, фуқароларнинг органлари фаолиятининг, амалга оширилаётган ислохотлар, ички ҳамда ташқи давлат сиёсатининг очиқ-ошқоралигини таъминлаш имконини беради.

Маълумки, қонун лойиҳаси демократик усул асосида Бухоро ва Самарқанд вилояти давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви органлари негизда чуқур таҳлил этилиб, уни янада маромига етказишга қаратилган муайян чора-тадбирлар амалга ошириляпти. Таъкидлаш керакки, мазкур жараёнда ахборотдан фойдаланувчиларнинг давлат органлари қилган мурожаатлари сони кескин ортгани ўтказилаётган экспериментнинг самардорлигини, фуқароларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятига ишончи ошганлигидан далолатдир. Хусусан, бугунги кунга Самарқанд вилояти бўйича жами 2836 та, Бухоро вилояти бўйича 1513 та сўров рўйхатга олинган. Уларнинг 91 фоизи қаноатлантирилиб, ахборотдан фойдаланувчиларга тегишли жавоблар қайтарилган.

Ҳуқуқий таҳриб жараёнларидан кенг жамоатчиликни хабардор қилиб боришда оммавий ахборот воситаларидаги қишқар, матбуотда эълон қилинаётган материаллар муҳим аҳамият касб этади. Шу маънода “Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан экспериментнинг Бухоро ва Самарқанд вилоятлари матбуотида ёритилиши мониторинг тарзида ўрганилди. Таҳлилларга қўра, “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги қонун лойиҳасининг синови бўйича ҳуқуқий экспериментга оид мақолаларни беришда нашрларнинг 29,5 фоизи иштирок этган. Бу йўналишда “Гул-обод тонги”, “Бухарский вестник”, “Зарафшон” ва “Бухоронома” газеталари фаоллиги сезилган. “Эксперимент ўтказиш субъектлари фаолиятининг очиқлиги”

йўналишида эса бу кўрсаткич 46,7 фоизни ташкил этган. Бу мавзу “Самарқандский вестник”, “Зарафшон”, “Бухоронома”, “Олот ҳаёти”, “Каттакўрғон ҳақиқати” газеталарида атрофлича бериб борилгани эътиборга лойиқ. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисида ахборот тақдим этишда эса нашрларнинг 1,9 фоизи қатнашган.

Шулар билан бир қаторда “Фуқароларнинг шахсий ҳаёт дахлсизлиги, уларнинг шаъни ва ишдаги обрў-эътиборини ҳимоя қилиш борасидаги ҳуқуқлари” ва “Юридик шахс ҳуқуқлари” йўналишлари бўйича “Каттакўрғон ҳақиқати” ва “Пайариқ ҳаёти” газетасида биттадан мақола чоп этилгани инобатга олинмаса, фаоллик сезилмаган.

“Давлат ҳокимияти органлари томонидан тақдим этиладиган ҳуқуқий эксперимент материалларини тўплаш, тизимлаштириш ва ахборот-кутубхона ҳамда архив фондларига топшириш тўғрисида ахборот беришга нашрларнинг 4,8 фоизи ҳисса қўлган.

Лойиҳа тарғиботининг иккинчи, таъбир жоиз бўлса, асосий босқичида ҳокимият, бошқарув тузилмалари фаолияти очиқлигини таъминлашнинг қонун лойиҳасида назарда тутилган шакллари ва усуллари амалиётда синовдан ўтказилиб, маромига етказиб олинди. Шу жумладан, ушбу тузилмалар томонидан ижтимоий-иқтисодий ривожланиш вазифаларини амалга ошириш масалалари ва жамоатчилик учун қизиқарли бўлган бошқа масалалар бўйича интер-вьюлар, матбуот анжуманлари, брифинглар ўтказилди. Бу жараёнда депутатлар ҳам фаол иштирок этиб, қонун нормаларини жойларда, хусусан, Бухоро ва Самарқанд вилоят ҳокимликлари фаолияти жараёнида ҳаётга жорий қилишнинг процессуал механизмларини амалиётга татбиқ қилишди.

Айни пайтда кун тартибининг муҳим мавзуси сифатида ўтказилаётган ҳуқуқий эксперимент доирасидаги тадбирларни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда ОАВ ўр-тасида ҳамкорликни янада кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

### Олимжон ЎСАРОВ, ЎзМТДП фракцияси аъзоси

**Томирини тириар кўхна саволлар, Ургамда гуллар ширин хайлар. Эй сиз ўзбекойим, офтобжамоллар, Мен офтобга алишмаган аёллар Миллатинг эртаси, миллатинг насли, Сиз атир нафасли, сиз райҳон насли. Кетмас бўлиб келган баҳорсиз асли, Мен офтобга алишмаган аёллар.**

Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир қаламига мансуб бўлган бу сода ва самимий мисралар кўнгилга жуда яқин. Буниси, бу шеърда ҳаёт кўрки, олам мунаварлигини таъминловчи аёл улуғланган.

Таъкидлаш жоизки, истиқлол йилларида мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг жамият ва оиладаги ўрни ва нуфузини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аёллар бандлигини таъминлаш ҳамда иқтисодий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш давлатимизнинг устувор сиёсатига айланган. Ушбу йўналишдаги мавжуд ҳуқуқий асослар эса хотин-қизларнинг иқтисодий-ижтимоий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш тизимининг янада такомиллашувида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Навоий шаҳридаги “Ёшлар марказида” “Обод турмуш йили” муносабати билан “Аёл борки, олам мунавар” шаири остида хотин-қизлар форуми ташкил этилди. Унда ЎзМТДП вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши фаоллари, халқ депутатлари вилоят, туман ва

## Форум

# “Аёл борки, олам мунавар”

ЎзМТДП Навоий вилоят Кенгаши “Аёллар қаноти” ташаббуси билан шу мавзуда хотин-қизлар форуми ўтказилди

шаҳар Кенгашларига партиядан сайланган депутатлар, “Аёллар қаноти” етакчилари, ҳудуддаги фаол хотин-қизлар, ёшлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси вилоят Кенгаши “Аёллар қаноти”, вилоят хотин-қизлар кўмитаси ҳамда “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят Кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган форум ҳудуд хотин-қизларнинг қўл меҳнатлари билан яратилган хунармандчилик маҳсулотлари, истеъдодли қизларнинг халқ амалий санъати йўналишидаги ижодий маҳсулотлари кўрғазмаси намоиши билан бошланди.

Кўрғазмада намоиш этилган халқ хунармандчилигининг 100 дан ортиқ турларини томоша қилган иштирокчилар беҳтёр ўзбек аёлининг ўткир беҳни ва маҳоратига қойил қолишди. Бунининг ҳавас ва ҳайратларидан илғаб олиш қийин кечмади. Карманалик хунарманд аёл Дилбар Жалилова-

нинг ироқи дўппилари, нуроталик каштачи Гулнора Уролованинг нозик дид билан ишланган сўзана-ю, Учқудук тумани вакиласи, хунарманд Зебинисо Шарипованинг тую жунидан ишланган пойфазалари, хуллас вилоятнинг барча туман ва шаҳарларидан келган қадриятларимиз давомчилари томонидан яратилган хунармандчилик маҳсулотлари ҳакамлар ҳайъати томонидан муносиб баҳоланди.

Форумни ЎзМТДП вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси раисининг ўринбосари Анара Бобомуродова кириш сўзи билан очиб, жумладан, шундай деди: — Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки қунлардан инсон манфаатларини ҳимоя қилиш, ёшлар ва хотин-қизларнинг ҳуқуқларини таъминлаш давлат сиёсатининг муҳим йўналиши сифатида белгиланди. Хусусан, хотин-қизларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги нуфузини оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Мазкур эътибор ва рағбатнинг

самараси сифатида бугунги кунда юртимизда кечаётган изчил ислохотлар жараёни ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишда хотин-қизларнинг фаол иштироки яққол кўзга ташланмоқда. Таъкидлаш жоизки, бу жараёнда мамлакатимизда фаолият юритаётган сиёсий партиялар, жумладан, ЎзМТДП ҳам фаол иштирок этмоқда. Ўз сафида зиёли, оқила, зукко ва ташаббускор хотин-қизларни бирлаштиришни мақсад қилган партиямиз томонидан илгарги сурилган бу каби фойдаланган орқали биз жойлардаги фаол, тадбиркор ва ташаббускор хотин-қизларни рағбатлантириш ва уларни партия сафига янада кўпроқ жалб қилиш имкониятига эга бўлмоқдамиз.

Форумда намоиш этилган миллий тўй либослари кўрғазмаси иштирокчиларда катта таассурот қолдирди. Айниқса, карманалик Маржона Саъдуллаева ҳамда нуроталик хунарманд Гулжаҳон Исломова томонидан мил-

лийлик ва замонавийликни уйғунлаштирган ҳолда тизилган келинлик либослари ёш иқтидорли дизайнерларнинг юксак дид ва истеъдодидан далолат берди.

Тадбир давомида “Ишлаб чиқаришда энг яхши тадбиркор аёл”, “Энг яхши сервер хизмати кўрсатиш вакиласи”, “Қишлоқ жойларида энг яхши фермер хўжалиги раҳбари” номинациялари бўйича голиблар аниқланиб, ташкилотчиларнинг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди. Форумда ўз кўрғазмалари билан иштирок этган барча хунарманд хотин-қизларга партия Навоий вилоят Кенгашининг фахрий ёрлик ҳамда эсдалик совғалари топширилди. Шунингдек, тадбир доирасида вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий соҳаларида фаол иштирок этаётган ва ЎзМТДП сафида бўлиш истагини билдирган бир гуруҳ хотин-қизларга аъзолик гувоҳномалари берилди.

Навоий маданият ва спорт бошқармаси ҳузурида ташкил этилган “Наво” халқ ансамбли ҳамда “Фарҳод” маданият саройи санъаткорлари томонидан тақдим этилган дилтортар қўшиқлар ва жозибали рақслар гулдастаси тадбир иштирокчиларига хушқайфият улашди.

### Шаҳноза РАСУЛОВА, ЎзМТДП Навоий вилоят Кенгаши “Аёллар қаноти” етакчиси:

— Айни пайтда вилоятимизда 16 минг нафардан ортиқ хотин-қиз сиё-

сий партияларга аъзо бўлган бўлса, шундан 5800 нафарини ЎзМТДП аъзолари ташкил этади. Электоратимиз билан мунтазам иш олиб бориб, хотин-қизларни партия сафига янада кўпроқ жалб этиш масаласи иш фаолиятимизнинг асосий мезонига айланмоғи лозим. Бу борада мафкуравий тарғибот ишларидан самарали фойдаланган ҳолда ўтказилаётган тадбирларнинг мазмун-моҳиятини бойитишга алоҳида аҳамият қаратмоқдамиз. Шу нуқтаи назардан бугунги форум жуда таъсирчан ва мазмунли ўтди, деб ўйлайман.

### Меҳринисо ПАРДАЕВА, халқ депутатлари Навоий вилоят Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат:

— Юртимизда хотин-қизларнинг жамият ва оиладаги ўрни ҳамда ролини кўчатиришга қаратилган кенг қўламли ислохотлар натижасида бугунги кун аёллари барча жабҳаларда фаоллик кўрсатишмоқда. Улар оила ва бола тарбиясига масъулликларини унутмаган ҳолда, ишлаб чиқаришда, тадбиркорликда, умуман, турли соҳаларда фаол меҳнат қилмоқдалар. Ўтказилаётган бу каби тадбирлар эса уларнинг меҳнатларини муносиб баҳолаш ва янада фаолроқ бўлишларида муҳим аҳамият касб этади.

### Ўралоқ ТУРДИЕВА, «Milliy tiklanish» мухбири

Тошкент шаҳрининг Сергели туманидаги 589-мактабга таълим муассасасининг катта ва мактабга тайёрлов гуруҳларида "Конституция сабоқлари" машғулот қизиқари ва таъсирчан воситалар ёрдамида таълим этилмоқда. Бош қомусимизнинг 21 йиллиги олдида "Конституция — ҳуқуқ ва эркинликнинг кафолати" шiori остида ҳуқуқий ва маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда. 500 нафарга яқин бола тарбияланаётган таълим муассасасида уларнинг ҳар томонлама соғлом ва баркамол инсонлар бўлиб вояга етиши учун барча шароит яратилган.

Боғчада хорижий тиллар, бадий гимнастика, рақс, шашка тўғарақлари таълим этилган, мусиқа сабоқлари ва жисмоний тарбия машқлари, болаларнинг ёшига мос ўйин ва машғулотлар ўтказилиши уларнинг жисмонан соғлом, руҳан тетик, ақдан зийрак улайишига, турли кўрик-танловлар, спорт мусобақалари, концерт дастурлари эса улардаги истеъдод ва қобилиятни шакллантиришига хизмат қилмоқда.



(ЎзА) олган сурат.

Конституция ва ёшлар

ЯНГИ АВЛОД ТАРБИЯСИ

муштарак вазифа

Халқимиз асрлар давомида дунё тамаддуни ривожига муносиб ҳисса қўшган аллома фарзандлари, уларнинг юксак маънавий-ахлоқий фазилатлари, келгуси наслларга қолдирган маънавий мероси билан ҳам бошқа халқлар орасида хурмат-эътиборга сазовор бўлиб келган. Шарқона таълим ва тарбияда ор-номус, одоб-ахлоқ, сабр-қаноат, ота-онага хурмат каби фазилатлар, ошанинг муқаддаслиги бундан миңг йиллар аввал ҳам бугунгидек муҳим бўлган.

Бу фазилатлар узоқ йиллар давомида не-не синовларга дош бериб, халқимизнинг қалбиде сақланиб келган, унутилмаган. Давлатимиз раҳбарининг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асариде таъкидланганидек, «Эзу фазилат ва интилишлар халқимизнинг қонқони ва суяк-сўлағиде сингиб кетган. Унинг табиатиға хос бўлган юксак маънавият, неча асрларки, бизни не-не бало-қазолардан, тўфон ва бўронлардан соғ-омон асраб келмоқда. Ҳар қандай босқин ва истилоларға қарамаздан, ҳар қандай оғир ва мураккаб шароитда ҳам ота-боболаримиз ўзлигини йўқотмасдан, маънавий ҳаёт меъзолини, одоб-ахлоқ қоидаларига амал қилиб, комиллик сари интилиб яшагани бугун ҳам барчамизға ибрат бўлиб, куч-қувват бағишлаб келмоқда».

Мустабид тузум даврида эскилик сарқити, диний ақида дея кам ситилган, маънавий ҳаётимиздан зўрлик билан ажратиб қўйилган кўнлаб қадриятларимиз, бағри-кенглик ва саховатпешалик руҳи билан суғорилган миллий анъаналаримиз истиклол боис яна маънавий ҳаётимизнинг таркибий қисмиға айланган. 1992 йили қабул қилинган Конституцияда инсон манфрати, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ҳақ-ҳуқуқлари олий қадрият даражасига кўтарилди. Ҳақ, меҳнат қилиш ва унинг натижаларидан баҳраманд бўлиш, мулкка эгалик ва уни тасарруф қилиш, илм-фан, маданият ва санъат ютуқларидан фойдаланиш, ижод эркинлиги ҳуқуқий жиҳатдан кафолатланди. Вояға етган, меҳнатға лаёқатли фарзандларнинг ота-оналарига ғамхўрлик қилиши, ота-оналарнинг фарзандлар тарбиясига масъулиги миллий-маънавий қадрият сифатида конституциявий бурчимизға айланган. Бош жоиси озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт бўлган истиклол мафкурасида халқимизнинг табиати, иродаси, оруз-интилишларини ифода қилган бир қатор миллий ҳуфусиятлар, жумладан, қадим қадимдан жамоа бўлиб яшашнинг бугун ҳам алоҳида аҳамиятға эгалиги, жамоа тимсоли бўлган оила шаънини угулаш, сулола анъаналарининг давом эттириши, ота-она, маҳалла, улуғ ёшлар билан баъмаслашатиш тутиш, ҳалол меҳнат, аёл зотига эҳтиром каби фазилатларнинг муқаммал ифодасини топди. Айни чоғда, бу мафкура қонун устуворлиги, инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва ҳурфикрлик, турли миллат ва элтак вакилларига, уларнинг миллий туйғулари ва диний этиқоидига ҳурмат каби умуминсоний қадриятларни ҳам юксак даражада эътироф этади.

Тарих саҳифалари замон ва даврлар, муаммолар ўзгарса ҳам ўз моҳиятини йўқотмайдиган турфа хил сабоқ, ҳаётий хулосалардан иборат десак, муболага бўлмайди. Улардан бири, таъбир жоиз бўлса — энг муҳими шуки, янги авлод тарбияси ҳамма замонларда ва ҳамма жамят олдида турган бирламчи вазифа бўлиб қолади. Бу ишни бир зум бўлсин, ўз ҳолиға ташлаб қўйиб бўлмайди. Бу сабоқни, айниқса, бугун — глобаллашув янада чуқурлашган, «оммавий маданият»нинг хуружи, давлатлараро муносабатларда иқтисодий, сиёсий ва бошқа манфатларнинг юзаға ошқорса қалқиб чиқиши, бўлинган дунёни қайта бўлиб олиш, таъсир ҳудудларини кенгайтириш ниятлари кучайиб бораётган шароитда асло унутмаслик керак. Оқдий сўзлар билан айтганда, ёшлар онги ва қалби учун кураш дунё мекиседа давом этаётган экан, бу иш нанки ота-онанинг миллий туйғулари ва диний этиқоидига ҳурмат каби умуминсоний қадриятларни ҳам юксак даражада эътироф этади.

Тарихдан маълумки, жамят янгиланаётганида ёки бир тузумдан бошқа бир тузумға ўтилаётганида ёшларнинг янги қадриятлар руҳида тарбияланиши, замонавий билим ва таърибаларни чуқур эгаллаш, мустақил фикрлаш қобилияти, дунёда кечаётган жараёнлардан хабардорлиги ва янги шароитдаги ёнғин ўчиргичнинг носозлиги ҳайдовчиға панд берган. Бундай мисолларни кўнлаб келтириш мумкин. Мухтасар айтганда, ҳар бир ҳайдовчи автомобилнинг махсус усталар кўригидан ўтказиб, электр ва ёқилғи тизимларини ўрнатилиши ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилса, машиналарда ёнғин ўчиргичлар олиб юриб, уларни ишлатиш қоидасини муқаммал билиши ва каби офатларнинг олди олинган, сони эса кескин камайган бўлув эди.

Танлов жараёнида тарғиботчиларнинг замонавий ахборот коммуникация технологияларини иш жараёнида унутлиб татбиқ эта олиши, ёшлар аудиторияси билан ишлаш маҳорати, уларға ижобий таъсир ўткази олиш қобилияти, айниқса, «оммавий маданият»нинг зарарли таъсиридан ҳимоялашға доир иш услубларига асосий эътибор қаратилди. — Инсон қалби ва онгини забт этишға интилиш тобора кучайиб бораётган бугунги мураккаб глобаллашув даврида ёшлар тарбияси, маънавияти, онгу шуури, дунёқараш учун барчамиз масъулмиз, — дейди танлов қолиби, Навоий вилояти Хатирчи туманидаги тиббиёт коллежи директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Сайёра Эгамбердиева. — Бу эса биз маънавият тарғиботчиларидан доимо сезгирлик, ҳушёрлик ва оғоҳликни кўнлаб бой бермай, фаол иш олиб боришға ундайди.

Тадбирда «Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси» республика кўрик-танловининг турли йўналишлари бўйича қолибларига совринлар топширилди.

Д.РЎЗИЕВА, «Millyy tiklanish» мухбири

Кўрик-танлов

Йилнинг энг яхши маънавият тарғиботчилари

Ўзбек миллий академик драма театрида Республика Маънавият тарғибот маркази ҳамда қатор ҳамкор ташкилотлар иштирокида «Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси» республика кўрик-танлови қолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Маънавият асослари ўқув фани, «Маънавият соатлари» жорий этилган ёшларнинг жамятдаги юксак ўзгаришлардан хабардорлигини ошириш, уларни соғлом ва мустақил фикрли шахслар этиб вояға етказишда алоҳида аҳамият касб этмоқда. Президентимизнинг 2006 йил 25 августда қабул қилинган «Миллий голя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги қарори муваққиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, ёш авлод қалби ва онгига она юртға муҳаббат туйғуларини чуқур сингдиришда муҳим дастуриламал бўлмоқда. Ушбу кўрик-танловдан кўнлабдан асосий мақсад ҳам маънавий-маърифий тарғибот соҳаси муваққиллигини фаолиятини атрофила ўрганиш, таҳлил этиш, бу борадаги илғор иш таърибаларини оммалаштиришдан иборат.

Форум

«Ўзбекистон матбуоти» III миллий кўргазмаси таассуротларға бой бўлди

аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаолигини оширишда босма нашрлар муҳим ўрин тутди. «Ўзбекистон матбуоти» III Миллий кўргазмасида республикамиз бўйлаб чоп этилаётган юзлаб босма даврий нашрлар ва нашриётлар иштирок этиб, матбуот ва ахборот соҳасида яратилган саломқли ютуқларни маҳаллий ва халқаро жамоатчиликка намойиш этилди. Кўргазмада 60 дан ортиқ маҳаллий, 10 дан зиёд хорижий давлат компаниялари ўзларининг матбаа маҳсулотлари билан қатнашди.

Миллий кўргазма доирасида Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан Ўзбекистон

Эзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Фанлар Академияси ва бошқа бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда «Адабиётға эътибор — маънавиятға, келажакка эътибор» шiori остида «Жамятнинг маънавий-маърифий тараққийотида китобнинг ўрни» мавзусида илмий-амалий семинар ҳам ўтказилди. Уч кун давом этган Миллий кўргазмада матбуот илхосмандлари севирилк нашрлари билан янада яқинроқ танишиш имконига эга бўлдилар. Кўргазмаға ташрият биурган Одина Қулмуродова ўз таассуротларини шундай баён этди:

— Матбуот — даврнинг кўзгуси, ҳаётнинг ҳақиқий инъикосидир. Мамлакатимизда кечаётган жараёнларни кенг жамоатчиликка танитишда босма нашрлар муҳим ўрин тутди. Менда босма нашрларға бўлган меҳр болалигимдаёқ уйғонган. Усмирлигимда «Гунча»ни кўнлаб кўймаган бўлсам, ҳозирда ижтимоий-сиёсий газеталарни мунтазам кузатиб бораман. Айниқса, биз ёшлар учун бу каби кўргазмаларнинг аҳамияти беқиёс, деб ўйлайман. Зеро, кенг жамоатчилик, хусусан, ёшлар дунёқарашини шакллантиришда оммавий ахборот воситаларининг муҳим ўрни бор.

Мухайё НУРМЕТОВА, «Millyy tiklanish» мухбири

Маълумотларға қараганда 2013 йилнинг 1 ноябрь ҳолатига кўра, Агентлик томонидан 1377 та (720 таси газета, 286 таси журнал, 16 таси ахборот-бюлетень, 4 таси ахборот агентлиги, 67 таси телевидение, 34 таси радио, 253 таси веб-сайт) оммавий ахборот воситаси рўйхатға олинган.

Эътироф этиш жоизки, муштарак йилларида оммавий ахборот воситалари, хусусан, босма нашрлар ва матбаачилик соҳасида кенг кўламли ислохотлар амалға оширилди. Мамлакатимизда ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш, амалға оширилаётган бунёдкорлик ишларини кенг жамоатчиликка етказиш,

Мавсум

Автомобилингизни эҳтиёт қилинг!

Юртимизда турли хил ва русумдаги автомобиллар сони йилдан-йилға ортиб бормоқда. Қувонарлиси, ўзимизда жаҳон талабларига жавоб берадиган юк автомобиллари, микроавтобус ва енгил машиналар ишлаб чиқиш, хорижэа экспорт қилишмоқда. Бундай ютуқлар таҳсинға лойиқ, албатта. Сир эмас, машина ҳайдаётган киши тезроқ кўзлаган манзилға етиб олишни истайди. Натижада, машина у ёқда турсин, ўз жонини-да хатарға қўяди. Лекин, улар орасида автомулоини кўз қорачиғидай эҳтиёт қилиб, гард юқтирмайдиганлари ҳам кам эмас.

Яна шундай ҳайдовчилар борки, машина бўлганидан кейин ҳайдаш керак-да, деб ўйлашади. Машинада тезроқ ишонаға етиб олсалар ёки меъёриға қарамай тонна-тонна юкларни белгиланган жойға етказиб қўйсалар бўлган. Кўпинча ана шу тоифа ҳайдовчилар маблаг ёки бўлмаса вақт йўқлигини рўқач қилиб ишлаб чиқарувчи корхоналар тавсиясига асосан бажарилиши зарур бўлган техник қаровларға ўта бефарқ қарашади. Бу эътиборсизлик кунни келиб қўнгилсизликка сабаб бўлишини ўйлаб ҳам қўришмайди. Таҳлилларға мурожаат қилсак, жорий йилнинг 9 ойи мобайнида республикамизда автомобилларнинг у ёки бу техник носозликлари оқибатида юзаға келган ёнғинлар сони 151 тани ташкил этган. Фуқаролар бундан жами

409 млн. 949 минг 133 сўм миқдориде моддий зарар қўрган. Ачинарлиси, ушбу ёнғинларда 15 нафар инсонға турли даражадаги тан жароҳатлари етган. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, автомашиналарда содир бўлаётган ёнғинларнинг аксарияти электр симларнинг носозлигидан келиб чиқмоқда. Машинанинг техник кўрик муддати анча ўтган ёки муваққиллиги назоратисиз турли қўшимча мосламалар ўрнатилган бўлса, электр тизимларининг қизиб кетиши натижада қисқа туташув содир бўлади ва бу, алалиқибат қўнгилсиз воқеаларнинг рўй беришиға олиб келади. Ана шундай воқеалардан бири яқинда Сурхондарё вилояти, Бойсун тумани «Сайроб» маҳалласида юз берди. Б.Қултураева тегишли «UzO'tayol» русумли автобуснинг

мотор қисмидан ёнғин чиқиб, автобуснинг салон қисми ҳамда ўриндиқлари буткул ёниб кетган. Ёнғин автобуснинг стартериде юз берган қисқа туташув натижада содир бўлган аён бўлди. Яна бир ҳодиса Навоий вилояти Зарафшон шаҳри Омонбой кўчаси бўйлаб ҳаракатланаётган «Газ-24» ва «Ласетти» русумли автомобилларнинг ўзаро тўқнашиши оқибатида юз берди. Йўл транспорти ҳодисаси натижада «Ласетти» автомобилнинг электр симларининг қисқа туташуви натижада автоуловға ўт кетгани аниқланди. Машинани ҳаракатлантирувчи асосий восита — ёқилғи саналади. Ёқилғи, бензин бўладими, дизель ёки табиий газ бўлади-ми, салгина лоқайдлик ва эътиборсизлик қилинса дарҳол ёниб кетиши мумкин. Бундай пайтда ҳайдовчининг машинасида ёнғин

ўчиргич бўлса бир амаллаб ўчириб олар, акс ҳолда машина кулга айлишини ҳеч гап эмас. Фарғона вилояти Фарғона шаҳри Қардон кўчасида ҳаракатланаётган И.Маҳмудова тегишли «Матиз» автомулоининг мотор қисмидеги электр симларининг қисқа туташуви оқибатида ёнғин содир бўлган. Жиловини автомобилларнинг ўзаро тўқнашиши оқибатида юз берди. Йўл транспорти ҳодисаси натижада «Ласетти» автомобилнинг электр симларининг қисқа туташуви натижада автоуловға ўт кетгани аниқланди. Машинани ҳаракатлантирувчи асосий восита — ёқилғи саналади. Ёқилғи, бензин бўладими, дизель ёки табиий газ бўлади-ми, салгина лоқайдлик ва эътиборсизлик қилинса дарҳол ёниб кетиши мумкин. Бундай пайтда ҳайдовчининг машинасида ёнғин

Умидхўжа АКРАМОВ, Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЁХББ муҳандиси, майор

Президентимизнинг мамлакатимизда таълим соҳасини ислох қилиш тўғрисидаги Фармон ва қарорлари, «Таълим тўғрисида»ги Қонун, Қадрлар тайёрлаш миллий дастури, жамятда ҳуқуқий маданиятни янада юксалтириш билан боғлиқ ҳуқуқий меъёрларнинг қабул қилинишидан кўнлабдан мақсад ҳам айни шу вазифа билан боғлиқ. Жамят таълим ва тарбияға эътибор берав экан, бу билан у, аввало, ўзининг маънавий-ахлоқий пойдеворини мустаҳкамлайди, ўсиб-улғаяётган ёш авлод дунёқарашининг тўғри шаклланишини, уларнинг турли бузғунчи оқимларнинг ҳалокатли тўриға илсиниб қолмасликларини таъминлайди. Бу борада сусткашликка йўл қўйилган жойда тузатиб бўлмас иллатлар урчиб кетади.

Ёшлар қалбиға Ватан туйғуси, ватанпарварлик руҳини сингдириш маънавий тарбиянинг ўзағи ҳисобланади. Халқимиз миңг йиллар давомида тарбиявий тамойиллар воситасида ўз фарзандларини она-Ватанин севишға, уни ҳимоялаш, моддий ва маънавий бойликларини асраб-авайлаш, киндик қони тўкилган она-бешик билан гурурланишға даъват этиб келишган. Буюк маърифатпарвар Маҳмудхўжа Бехбудий: «Дунёда турмоқ учун дунёвий фан ва илм лозимдур, замона илми ва фанидан бебахра миллат қалқаларға поймол бўлув», деганида қанчалик ҳақ эканини бугунги ёш авлоднинг халқаро майдонда эришаётган ютуқларидан ҳам билиб туришимиз.

Мамлакатимиз ёшлари Бош қомусимиз ва қонунларимизда белгиланб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлардан, таълим-тарбия учун яратилган шарт-шароитлардан оқилана фойдаланиб, ўзларини илм-фан, маданият, спорт, тадбиркорлик ва ишбилармонликда намоян бўлиб келаётган барчамизни қувонтиради. Афсуски, истиклол йилларида вояға етган янги авлоднинг бундай ютуқлари баъзи фарзали кимсаларға ёқмайди. Бундай қучлар турли-туман йўллар билан ёшларимизни тўғри йўлдан оздиришға, маънавиятини бузишға, фикру ҳаёлларини қалғитишға зўр бериб уринаётгани, маънавий-ахлоқий таҳдид воситаларидан фойдаланиб, фарзандларимиз онгини заҳарлашға ҳаракат қилаётгани сир эмас. Бундай таҳдидлар ёшларни тўғри йўллардан қалғитиш мақсадини кўзда тутди.

Маънавий таҳдид ва хуружларнинг барчаси ғайриинсоний, ғайриахлоқий моҳияти билан халқимиз маънавияти ва турмуш тарзига мутлақо ётдир. Чунончи, «оммавий маданият» ниқоби остида онгимизға, турмуш тарзимизға тикиштирилаётган ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, тажовузкорлик, индивидуализм, эгоцентризм гоғларни ортида, энг аввало, гала-мислиқни ўзига каас қилиб олган айрим ташқи қучларнинг ўзға давлатларнинг ички ишларига, ўзға халқларнинг шахсий ҳаётиға аралашуш, уларға ўз «қадрият»ларини сингдириш мақсади, миллат ва элтакларнинг неча миңг йиллик миллий анъана ва урф-одатларини менсимаслик, диний туйғу ва этиқоидига беписандлик нияти ётади. Бу дунёда ҳар бир халқ ўзига хос ва нос тараққий дастурини, турмуш тарзини белгилашға, ўзи танлаган йўлдан беришға, тарих синовларидан ўтган урф-одатлари, миллий-маънавий қадриятларини келажак авлодларига мерос қилиб қолдиришға ҳақли. Бу ҳуқуқни бузиш, инкор қилиш ёки сохта-лаштиришға уриниш — маънавий тажовуздан ўзға нарса эмас.

Нопок ниятли қучлар ва уларнинг қўлида қўғирчоқ бўлиб қолган кимсалар террорчилик, диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик гоғларини тарқатишға уринаётган ташвишли ҳодир. Бунда улар видео, аудио ва бошқа овоз ёзиш, тарқатиш воситаларидан, ёзувчилик тарғиб қилувчи жангари фильмлардан, порнографик босма нашрлардан фойдаланмоқдалар. Бундай номунсоиб хатти-ҳаракатлар юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-тотувликка, ахил-иноқликка қарши қартилган маънавий таҳдид эканлигини унутмасликимиз бундай хуружларнинг олдини олиш учун ёшлар онгиде мафқурвий имунитетини кучайтиришимиз зарур. Шундагина жоҳил ақидапарастларнинг фарзали ният ва даъватлари уларға ўз таъсирини ўткази олмайди.

Аҳмаджон МЕЛИТОВ

Бизнинг шарҳ

## ИТАЛИЯ ПАРЛАМЕНТИ



**Аппенин ярим оролидаги бу мамлакатда 1947 йилнинг 22 декабрида қабул қилинган Конституция парламент ҳужжатларининг муҳим манбаи ҳисобланади. Мазкур мамлакатда икки палатали тузилма аънаанага айланган. 1963 йилнинг февралда депутатлар сони 596 нафардан 630, сенаторлар эса 248 нафардан 315 нафаргача кўпайтириди.**

Сайлов арафасида ҳар бир фуқаро сайлов тўғрисидаги гувоҳнома билан овоз бериш участкасига йўл олади. Унинг ўрнига бегона шахслар овоз бера олмайди. Тегишли анкетада сайловнинг исми-шарифи ва тўлиқ маълумотлар битилган мамлакатда аёллар ва эркеклар алоҳида-алоҳида овоз беришлари йўлга қўйилганки, аёллар сайлов гувоҳномаси (бюллетени)ни яшил, эркеклар қора сийда тўлдиривади. Ҳар бир италиялик фақат ўзи истикомат қилаётган округда овоз бериши шарт. Коммунадан ташқарида бўлган фуқароларга ўз худудига келиб овоз бериши учун имтиёзлар берилган. Хорижда ишлаётган италияликларга ҳам махсус сайлов бюллетенлари берилиб, уларга ҳам транспортдан фойдаланишлари учун шарт-шароитлар яратилади.

Депутатлар палатасининг Сенатдан фарқи шундаки, Сенатда сайловсиз умрбод аъзолик ҳуқуқи берилмади. Одатда, республиканинг собиқ президентлари ана шу лавозимга лойиқ деб топи-

лади. Мамлакат президенти жамоат, фан ва маданият соҳасидаги юксак хизматлари учун 5 нафар фуқарони умрбод сенаторликка тайинлаш ҳуқуқига эгадир. Депутатлар палатасига сайловлар кўп мандатли округларда ўтказилади, иккала палата вакилларининг ваколати беш йилдан этиб белгиланган, ҳарбий ҳолатда эса узайтирилиши ҳам мумкин.

Конституция давлат раҳбарига парламентни тарқатиш ваколатини берган. Сенат раисининг ўрни бўшб қолган тақдирда, унинг ўрнини кекса сенаторлардан бири эгаллайди, энг ёш сенаторлар эса котибиятда ишлаш ҳуқуқига эга. Умуман олганда, палата раислари яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Сенат раҳбари дастлабки уч босқич овоз бериш якунига кўра, шу лавозимга қўйилади ва Италия республикаси президенти ўз фаолиятини давом эттира олмай қолганда, унинг вазифасини давом эттириши қонунда кўрсатиб ўтилган. Италия парламент тарихида президент раиснинг розилигисиз палаталарни тарқатиб юбориш ҳоллари бўлмаган. Хуллас, палата раисларига кенг ваколатлар берилган бўлиб, у мустақил равишда мажлис кун тартибини белгилайди.

Депутатлар палатасидаги 50 га яқин бўлимида бир ярим минг нафар ҳодим ишлайди. Сенатда эса улар сони 600 нафар атрофида. Қуйи палатада 14 та, Сенатда эса 12 та доимий комиссия ишлаб турибди. Монетиториро саройида депутатлар палатаси, Мадама саройида эса сенаторлар ўз йиғилишларини ўтказишади.

1945 йилнинг 30 январида Италия

ҳукумати томонидан миллий озодлик кўмиталари босими остида аёлларга ҳам сайлаш ҳуқуқи берилди. Сайловда депутатлар палатасига овоз бериш жараёнида 21, Сенатда эса 25 ёшга тўлганлар иштирок этишади. Собиқ президентлар ўз ихтиёрига кўра, умрбод сенаторликдан воз кечишлари ҳам мумкин. 40 ёшдан юқори бўлган шахсларга ўз номзодини илгари суради.

1993 йилдан бошлаб парламент депутатларининг дахлсизлик мақомидан маҳрум этилган. Агар депутат ёки сенатор қонун чиқарувчи олий идорада камида беш йил фаолият юритган бўлса, умрбод пенсия олиши кафолатланади.

Италия конституциявий суди 15 аъзодан иборат бўлиб, улар орасида судьялар, университет ҳуқуқшунос профессорлари, камида 20 йиллик иш стажига эга бўлган адвокатлар бор. Президент ва парламент 5 нафардан, кассация суди 3 нафар, давлат кенгаши ва ҳисоб палатаси 1 нафардан судьяни тайинлаш ҳуқуқига эга. Конституциявий суд судьялари 9 йил муддатга сайланади. Айрим ҳолларда навбатдаги муддатга ҳам ўз номзодини илгари суришлари ҳам мумкин.

Азимжон ПЎЛАТОВ

● **Италия республикаси майдони 301,3 квадрат километрдан иборат бўлиб, аҳолиси 60 миллиондан ортиқ. 20 та вилоятга қарашли коммуналар сони 8 минг 100 тадан ортади.**

● **Тан олиш керак, айни пайтда Италия мамлакатини олдида айрим муаммолар кўндалиг турибди. Мамлакат аҳолисининг кексайиб бораётгани кўпчиликка маълум. Демографларнинг маълумотига кўра, ҳозир ҳар беш италияликдан бири 65 ёшдан ошган. Шунингдек, 2007 йилнинг охиридан бошлаб қузатилмаётган молиявий-иқтисодий бўҳрондан жиддий азият чеккан мамлакат сирасига кирди. Давлат ташқи қарзи кескин кўтарилиб, бюджет тақчиллигини камайтириш масаласи ҳам муаммо бўлиб турибди. Мутахасссларнинг фикрича, айни пайтда мамлакатда депутатлар томонидан демографик масала, Африка қитъасидан келаятган муҳожирлар муаммоси борасида ҳам аниқ тўхтамга келишлари керак.**

Рангин дунё

## Прага шаҳар музейи

манзараси бор-йўғи 19 квадрат метрга жо бўлган. Унда асосан шаҳарнинг кўчаю хиёбонлари, тарихий обида ва ёдгорликлари, кўпригу пиёдалар йўлкаси ўз аксини топган. Бундан ташқари, макетда шаҳар манзараси энг оддий деталарга тасвирланган: фонарлар, сўқмоқ йўллар, доврахатлар, ҳатто, аҳоли яшайдиган уй рақамларига аниқ кўрсатиб берилган.

Эски Прага ҳақида музейнинг ҳар бир экспонати сўзлаётганга ўхшайди. Хусусан, машҳур инсонларга тегишли турли хил буюмлар, ҳатто, жанг майдонида аскарлар томонидан унутиб қолдирилган қурол-аслаҳаларга шаҳар ўтмишини ёдга солиб туради. Музейнинг тарихий экспозицияларини натура услубида ишланган пейзажларсиз тасаввур қилиш қийин. Прага шаҳар музейининг ютуғи ҳам шунда. Унинг коллекциясида сақланаётган картиналарда "ведута", яъни топографик жиҳатдан аниқ шаҳар пейзажи тасвирланган. Мазкур тасвирий санъат асарлари чех рассоми Винченце Морштадт мўйқаламига мансуб бўлиб, уларда қадимги харобалар, замонавий иморатлар, муҳташам саройлару тўқилай-тўқилай деб турган кулбаларга ақс эттирилган.

XIX асрга келиб "ведута" аънанеси кичик расмларга кўчди. Рассомлар энди ўз асарларини яратишда оддий қоғоз, мой бўёқ ўрнида эса қалам ва акварелдан кенг фойдалана бошлади. Энди улар тор ҳоналарда ўтириб эмас, балки табиат қўйнида, археологик қазилмалар ўтказилаётган жойларда ижод қилишарди. Ана шундай асарларнинг аксарияти илмий



экспедициялар чоғида, ҳатто, жанг майдонларида ҳам яратилган. Ушанда ҳамма ҳам йирик ҳажмдаги санъат асарларини сотиб ололмади. Шу боис, оддий қоғоз ва қаламда чизилган ихчам расмлар арзонлиги боис тезда оммалашиб кетган.

Музей экспозицияларида Морштадтнинг "Прага Швар-

ценберг ороли томонидан қаралганда" деб номланган машҳур асарини ҳам учратиб мумкин. Унда шаҳар манзарасини тасвирланган бўлиб, асар улкан металл қоғозга чизилган. Прага шаҳар музейида расмонинг 800 қоғозга яқин асари сақланади. Ушбу асарлар ҳозир ҳам шаҳар музейида намоиш этиб турилади. Гарчанд, В. Мор-

штадт ўзидан кейин мактаб яратиб кетмаган бўлса-да, унинг ишлари илмий даражада тарихчи, этнограф, археолог ва социологлар томонидан ўрганилмоқда. Чунки, Прагада юз берган ўзгариш ва камчиликларини ана шу гравюралар орқали илгаш мумкин.

Ўтган асрнинг сўнги йилларида музей Паржичи кўчасидаги янги бинога кўчиб ўтди. Ундаги экспонатлар йил сайин бойиб бормоқда. Тасвирий санъат асарларидан ташқари музейда турли-туман хунармандчилик буюмлари: кутича ва сандиқлар, готик шишадан ясалган идиш ва ҳайкалчалар кўзини гизни қувнатади. Старомест курантлари, йўлсозликда фойдаланилган роман плиталари, лира кўринишидаги антиқа секретер, шунингдек, 1670 йили ёғочдан ясалган чех қиролларининг тахти ҳар қандай томошабининг ром қилиши шубҳасиз.

Зафар МУҲАММАД

**Европада табиатан гўзал шаҳарлар унчалик кўп эмас. Иккинчи жаҳон уруши чоғида мўъжиза туфайли омон қолган Прага ана шундай хушманзара гўшалар сирасига кирилади. Унинг удугвор миноралари, кўпригу саройлари аввалги чирой ва қиёфасини йўқотмаган. Бежизга Прагани "Европанинг юраги" дейишмайди. Негаки у Берлин ва Венага олиб борувчи йўлнинг қоқ ўртасида жойлашган. Урта асрлардан буён шаҳар европалик таниқли архитектор, рассом, шоир ва музикачиларни ўзига ром айлаб келади.**

Праганинг асл гўзаллигини юқоридан, яъни Петр тепалигидан туриб томоша қилишнинг гаши бўлақча. Готик услубга эга муҳташам минораю гўмбазлар, чех қироллари тобоғи бўлиши Вита собори ва эски қироллик қалъасини кўриқлаб турган икки баҳайбат жангчи ҳайкали беихтиёр киши эътиборини тортади. Бироқ, Прага бўйлаб саёҳатни унинг эски шаҳар қисми — Старомест майдонидан бошлаган маъқул. Бу ердан сайёҳларнинг қадами узилмайди. Айниқса, минорасоат бонг ўрганида юз берувчи манзара ҳеч қимни бефарқ қолдирмаслиги аниқ. Шаҳарнинг бу каби диққатга сазовор жойлари жуда кўп. Улар ичида Прага шаҳар музейи ўзининг ноёб экспонатлари билан ажралиб туради.

Музейга бундан 150 йил аввал асос солинган. Унинг бағрида Прага марказининг кичик макети ҳам сақланади. Рассом Карел Лангвейл томонидан ишланган ушбу макет

Эълонлар  
**«TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖ 2013 йил 27 декабрь куни бошлангич нархи босқичма-босқич ўсиб бориш тартибидagi очик аукцион савдоларини ўтказиши!**

Аукцион савдоларига Тошкент ш., М.Улуғбек тумани, Буюк ипак йўли кўчаси, 417-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Тиббиёт-санитария бирлашмасининг Марказлашган автокорхонаси балансидаги 1993 й. и/ч, д/р 01/394HCA, бошлангич нархи 5 468 612 сўм бўлган «KARSAK PEUGEOT», 1991 й. и/ч, д/р 01/390HCA, бошлангич нархи 1 517 572 сўм бўлган «ИЖ-271501401», 1995 й. и/ч, д/р 01/389HCA, бошлангич нархи 3 257 917 сўм бўлган «ГАЗ-310220», 1995 й. и/ч, д/р 01/023EBA, бошлангич нархи 3 257 917 сўм бўлган «ГАЗ-310230», 1996 й. и/ч, д/р 01/976LBA, бошлангич нархи 5 204 574 сўм бўлган «ГАЗ-310200», 1995 й. и/ч, д/р 01/032EBA, бошлангич нархи 3 257 917 сўм бўлган «ГАЗ-31029» русумли; Тошкент ш., Миробод тумани, Матбуотчилар кўчаси, 32-уйда жойлашган «НУП-ЛЫ ЖОЛ» газетаси балансидаги 1998 й. и/ч, д/р 01/852MBA, бошлангич нархи 10 697 400 сўм бўлган «Нексия» русумли; Тошкент ш., Юнусобод тумани, Д.Обидова кўчаси, 223-уйда жойлашган Тошкент педиатрия тиббиёт институти балансидаги 1996 й. и/ч, д/р 01/652CAA, бошлангич нархи 4 033 300 сўм бўлган «Дамас» русумли; Тошкент ш., М.Улуғбек тумани, А.Қодирий кўчаси, 2-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти балансидаги 1989 й. и/ч, д/р 01/156GAA, бошлангич нархи 2 932 900 сўм бўлган «УАЗ-330301» русумли автотранспорт воситалари қўйилади.

Талабгорлардан бюртманомаларни қабул қилиш, расмий иш қунларида мазкур эълон чиққан кундан бошланади ва савдо кунидан 2 (икки) кун аввал соат 18-00да тўхтаилади.

Савдоларда қатнашиш учун бошлангич нархнинг камида 20 фоизи микдоридagi закалат пули «TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 302071274, 2020 8000 7049 2931 8001 ҳисоб рақамига тўланади.

Савдо голибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш, тўланган закалат пули микдори сотиб олиш тўлови микдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда, етишмаётган суммани шартнома тузилгунга қадар тўлаб бериш шартлари юклатилади.

Мазкур автотранспорт воситалари юқорида белгиланган савдо кунида сотилмаган тақдирда, улар бўйича такрорий аукцион савдолари, улар сотилгунга қадар навбатдаги ҳафталарнинг ҳар пайшанба кунлари ўтказилади. Ушбу автотранспортларга қизиқиш билдирган талабгорлар, уларнинг ҳолати билан сотувчи ташкилотларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзилларига бориб танишишлари мумкин.

Аукцион савдолари соат 15-00да бошланади ва қуйида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади:

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темура шох кўчаси, 16 «А»-уй, 3-қават, 307-хона (Мажлис зал).

Мурожаат учун алоқа воситалари: телефон: 233-23-40; телефакс: 233-23-40, электрон почта: TUAU\_MCHJ@mail.ru.

Шунингдек, «TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖ томонидан 2013 йил 21 ноябрь куни ўтказилган аукцион савдолари натижаларига кўра, Тошкент автомобиль йўллар институти балансидаги д/р 01/057PCA бўлган «ГАЗ-31029» — 1 800 000 сўмга; «HALQARO HAMKORLIK MARKAZI» ОАЖ балансидаги д/р 01/019TCA бўлган «ГАЗ-3110» — 5 400 000 сўмга; Ўзбекистон Республикаси Транспорт прокуратураси балансидаги д/р 40/513FAA бўлган «Нексия» — 21 700 000 сўмга сотилганлиги ҳамда Тошкент шаҳар ОББнинг Марказий авария — диспетчерлик хизмати корхонасининг 2013 йил 21 ноябрдаги 461-сонли хатига асосан, ушбу ташкилот балансидаги д/р 01/119GAA бўлган «АВИА-А-31», д/р 10AK875 бўлган «ПАЗ-672», д/р 10AG698 бўлган «ПАЗ-672», д/р 01/769KCA бўлган «ЗИЛ-431412», д/р 01/768KCA бўлган «ЗИЛ-431412», д/р 01/781KCA бўлган «ЗИЛ-431412СВ67», д/р 10AG702 бўлган «ГАЗ-52 МПТ-817», д/р 10AR780 бўлган «КАМАЗ-53213» русумли автотранспорт воситалари шунингдек, д/р ЕД 24-75 бўлган «ТТЗ-100 К-10» русумли трактор, д/р ЕЮ 13-25 бўлган «2ПТС-4 793 А-3» русумли тиркама воситалари аукцион савдоларидан олинганлиги маълум қилинади.

**«UNIVERSAL AUCTIONS INVEST» МЧЖ Сирдарё вилоят филиали томонидан бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидa ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!**

**I. Суд Департаменти Сирдарё вилоят ҳудудий бошқармаси суд ижрочилари бўлимлари томонидан куйидаги автотранспорт воситалари савдога қўйилмоқда:**

**Гулистон шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан:**

1. «МАТИЗ» русумли, д/б 01 С 933 НА бўлган, 2004 йил ишлаб чиқарилган, Низом Мулк Плюс МЧЖ омборида сақланаётган носоз холдаги автотранспорт, бошлангич баҳоси — 11 246 831 сўм.

2. «ВАЗ-21070-120-21» русумли, д/б 20 497 DAA бўлган, 2007 йил ишлаб чиқарилган, Гулистон шаҳар Суд ижрочилар бўлимида сақланаётган носоз холдаги автотранспорт, бошлангич баҳоси — 14 191 092 сўм.

3. «ВАЗ-21070-120-21» русумли, д/б 12 AF 497 бўлган, 2007 йил ишлаб чиқарилган, ДТ Халқ банки Оқолтин туман филиали сақланаётган носоз холдаги автотранспорт, бошлангич баҳоси — 15 646 980 сўм.

**Гулистон туман суд ижрочилари бўлими томонидан:**

1. ГБА «НЕКСИЯ» СПГ русумли, д/б 20 D 122 BA бўлган, 1999 йил ишлаб чиқарилган, Гулистон тумани А.Темура СИУ, Зарбдор ҚФЙ, Мевазор маҳалласида сақланаётган носоз холдаги автотранспорт, бошлангич баҳоси — 19 419 363 сўм.

**Сайхунobod туман суд ижрочилари бўлими томонидан:**

1. «НИССАН-АЛТИМА» русумли, д/б 20 028 FAA бўлган, 2007 й. и/ч, Сайхунobod туман «Оқолтиндонмаҳсулотлари» АЖ ҳолдосида сақланаётган носоз холдаги автотранспорт, бошлангич баҳоси — 78 337 044 сўм.

Аукцион савдоси 2013 йил 24 декабрь куни соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади, нархи сунъий равишда кўтарилиб сотилмаган тақдирда такрорий савдоси 2014 йил 7 январь куни соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади.

**Гулистон шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан:**

1. «DAEWOO-LACETTI» русумли, д/б бўлмаган, 2009 йил ишлаб чиқарилган, Низом Мулк Плюс МЧЖ омборида сақланаётган қисман қисман носоз холдаги автотранспорт, бошлангич баҳоси — 35 825 196 сўм

Аукцион савдоси 2013 йил 27 декабрь куни соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади, нархи сунъий равишда кўтарилиб сотилмаган тақдирда такрорий савдоси 2014 йил 10 январь куни соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади.

Ушбу автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита хойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Тўлов ва аризаларни қабул қилиш, эълон чоп этилган кундан бошлаб қабул қилинади, охири муддати: Бир кун қолганда тўхтаилади.

Аукцион савдоларда қатнашиш учун талабгорлар «Савдо ташкилотчиси» билан тузилладиган закалат келишувига асосан, мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган микдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида автотранспорт воситасининг номи, давлат белгилари, кўрсатилган холда «UNIVERSAL AUCTIONS INVEST» МЧЖ Сирдарё вилоят филиалининг ОАТ "Турон" банк ОАЖ Сирдарё вилоят филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: х/р: Х-Р: 2020 8000 2049 3216 8027, МФО: 00368.

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Гулистон шаҳар, Мустақиллик кўчаси 35-уй 1-қават, телефон: 235-03-58. Хизматлар лицензияланган: № 004059 2011 йил 18 август**

Дармондориларга бой чаканда мевалари таркибида катта миқдорда каротин моддаси, Е, С, В<sub>1</sub>, В<sub>2</sub> витаминлари, фолат кислотаси бор.



Мевасининг этида қанд моддалари, органик кислоталар, кверцетин, изорамнетин ошловчи моддалар, уруғларида витаминларга бой мойлар, баргларида эса полифеноллар учрайди. Чаканда мевалари халқ табиоботида яра-жароҳатларни битирадиган, оғриқ қолдирадиган, лавша (цинга) касаллигига даво бўладиган восита сифатида қадимдан ишлатиб келинади. Айниқса, бўғим оғриқларида чаканда барглари кўйиш тавсия этилади. Бу ўсимлик мевалари ва гуллари тери куйганда ҳамда ётоқ яралар, колит, меъда, ўн икки бармоқ ичка касалликлари, томоқ, тиш оғриғи ва тўқималар яллиғлишида ҳам даво бўлади. Замонавий тиббиётда чаканда мой яра-жароҳатларнинг битиб кетишига ёрдам берибгина қолмай, бактерияларга қарши курашиш ва кўпгина микроблар ўсишини тўхтатиш хусусиятига ҳам эга. Қолаверса, ўсимликдан олинган мой ёрдамида тери касалликларини даволаш мумкин.

### БИЛАСИЗМИ?

Тинч океандаги Мариана ботиғига Эверест чўққиси бемалол сизиб кетади.

“Кувнатувчи газ” номини олган диоксиди (Н<sub>2</sub>О) тиббиётда анестезия вазифасини ўтайди. Автомобилсозликда эса бу модда ички ёнув двигателининг техник қувватини ошириш учун ишлатилади.

### ТУРФА ОЛАМ

## Келажак мотоцикли

ЯПОНИЯЛИК МУТАХАССИСЛАР ТОМОНИДАН КАШФ ЭТИЛГАН МОТОЦИКЛ УЧ ФИЛДИРАКЛИ БЎЛИБ, ИККИТА БОШҚАРУВ ТИЗИМИГА ЭГА.



Бундан ташқари, мотоцикл спорт ва оддий режимда ишлаш хусусиятига ҳам эга. Оддий режимга ўтилганда, машина филдиракли жойини ўзгартиради. Айтишларича, бундай пайтда у квадроциклга ўхшаб кетаркан. Мотошоуда илк бор намойиш этилган мотоцикл омма томонидан илиқ кутиб олинган. Шунга қарамай, ҳозирча ушбу моделнинг ишлаб чиқаришга қачон қўйилиши номаълум. Модел муаллифларининг таъкидлашича, ушбу мотоцикл кўринишини ўзгартира олиши билан ҳам бошқалардан фарқ қилади. Қолаверса, ундаги амаллар ҳар қандай йўлга мослашиш имконини бериб, ҳайдовчига талай қулайликларни яратади.

## Ноёб топилма

ГВАТЕМАЛАЛИК АРХЕОЛОГЛАР МАМЛАКАТ ШИМОЛИДА МАЙЯ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИГА ОИД ТОШ ДЕВОР ҚОЛДИҚЛАРИНИ ТОПИШГАН.

Мутахассисларнинг гапига қараганда, топилма эра-мизга қадар VIII асрга тегишли. Тош деворга қизилган расмларга фреска услубида безак берилган. — Бу майя ҳиндулари томонидан яратилган илк деворий асардир, — дейди археологлар гуруҳи раҳбари Кристина Видаль. — Уларни Италия тикланаш даврига хос фрескаларга қиёслаш мумкин. Текширувлардан маълум бўлишича, Гватемала худудидан топилган сарой харобаси ҳақиқатдан ҳам майяларга тегишли бўлиб, девор қолдиқларидаги фрескаларда асосан тарихий сана ва воқеалар тасвирлаб берилади. Шунингдек, уларда эркагу аёл, болалару кексалар кийфаси ва шу билан бирга сонсаноксиз иероглифлар акс эттирилган. Энг қизиги, ушбу фрескаларда майя маданияти илк бор сувли бўёқларда тасвирланади.

Зафар МУҲАММАД тайёрлади

Эшниёзов Шерали Нормаматовичнинг Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси томонидан 29.05.2007 йилда (кадастр рақами: ер майдони 100 604 050 100 20 ва биноиншооти 100 604 050 100 20, реестр рақами 6 — 274/07) кўчмас мулк объектга берилган кадастр ҳужжати йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

## Маданият хабарлари

### Билимдонлар танлови

Наманганда “Конституция — бахтимиз пойдевори” кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Адлия вазирликлари, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, “Тасвирий ойна” ижодий уюшмаси, “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамғармаси, Ўзбекистон Бадий академияси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда олтишдан зиёд ўқувчи Конституция мавзусини ёритишга бағишланган баён, иншо, тасвирий санъат, фотолар ва йўналишларида ўз ижодий ишлари билан иштирок этди. Танлов якунларига кўра, Учкўрғон туманидаги 15-умумтаълим мактаби ўқувчиси Лобар Комилова иншо, Янгикўрғон туманидаги 38-мактаб ўқувчиси Феруза Уринбоева баён, чортоқлик Шерзодбек Орифбоев тасвирий санъат, Наманган шаҳридаги 1-мактаб ўқувчиси Бекзод Акмалов видеоролик номинацияларида энг ахши деб эътироф этилди. Ғолиблар танловининг республика босқичига йўланма олди.

Энг зукко, энг лобар Нукусда “Йил аёли — 2013” анъанавий республика кўрик-танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи бўлиб ўтди.

Тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раис ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Зухра Иброҳимова ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида хотин-қизларнинг ижтимоий маърифати мустаҳкамлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Танлов иштирокчилари томонидан тайёрланган кўргазмалар, видеороликлар, белгиланган шартлар бўйича ўзига хос чиқишлар намойиш этилди. Якуний натижаларга кўра, Мўйноқ тумани бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси бўлими бошлиғи Гулшод Даужанова ғолиб деб топилди ва танловнинг мамлакат босқичига йўланма олди.

ЎЗА

### Сарчашма

Ўзбекистон Бадий академиясининг Марказий кўргазмалар залида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига бағишланган “Сарчашма” ижодий гуруҳи аъзолари — 15 нафар ўзбек плернерчиларининг асарларидан ташкил топган кўргазма очилди.

Ижодкорлар ўн йилдан буён фаолият кўрсатиб келишди. 200 дан ортиқ асарлари экспозициядан ўрин олган муаллифлар фақат Тошкентда эмас, вилоятларда ҳам самарали ижод қилади. “Сарчашма” номи раъзий бўлиб, изланиш, илҳомланиш манбаи сифатида гуруҳнинг мазмун-моҳиятини намойиш этади. Ижодий гуруҳ аъзолари турли йўналишларда фаолият олиб борувчи расомлардир. Гуруҳнинг ҳар бири ижодий сафари маҳаллий расомлар ҳамроҳлигида ўтади. Сафарда бўлиш, устaxonадан олишда плернерда ишлаш расомларга доимо мавзу танловини бойитиш, табиат уйғунлиги ва гўзаллигини, ҳаёт нафасини, ўзларининг бевосита ҳиссий таъсирланишларини асарларида акс эттириш имконини беради. Ижодкор учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ўзаро фикр ва тажриба алмашиш жараёни содир бўлади. Экспозицияга қўйилган асарларда расомлар юртимизнинг гўзал табиати, бепоён кенгликларини ўзига хос тарзда тасвирлашга ҳаракат қилишган. Кўргазма шу йилнинг 10 декабрига қадар давом этади. Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

## Ўқув масканида

# Санъат ва маданият қошоқаси

ҳар қандай кишининг ҳавасини келтиради



Маданият, санъат соҳалари миллатнинг маънавий қийфасини белгилочи асосий омиллардан бири саналади. Юртимизда бу соҳага катта эътибор қаратилиб келимоқда. Бугун адабиёт, театр, кино ва мусиқа жамият маънавий ҳаётининг ажралмас бир қисмига айланди. Айниқса, кейинги йилларда мамлакатимизнинг барча худудларида санъат йўналишида фаолият юритувчи кўлаб мактаб, лицей ва коллежлар барпо этилди. Жумладан, Ўзбекистон маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда тизим ташкилотларида ёшларни ватанпарварлик, миллий ғояга садоқат руҳида, юксак билим, маънавий жиҳатдан кенг дунёқарашга эга бўлган мустақил шахслар этиб тарбиялаш мақсади устувор вазифа бўлиб бормоқда. Бу борада Президентимизнинг 2012 йил 4 июндаги қарорига кўра Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг ташкил этилишини алоҳида таъкидлаш лозим.

Миллий меъморчилигимизнинг ўзига хос анъаналари асосида бунёд этилган ўқув биноси ўқитувчи ва талабаларга илҳом бағишлайди. Икки юздан ортиқ томошабинга мўлжалланган саҳна профессионал театрларда фойдаланиладиган барча техник ускуналар билан жиҳозланган. Бу ерда ҳатто мусиқали спектакллар учун ҳам шароит етарли. Бундай саҳнада талабалар катта театр руҳини ҳис этиб таълим олишади. Ўқув театрида спектакллар учун зарур бўлган турли анжомларни тайёрловчи устaxonалар фаолияти ҳам йўлга қўйилган. Жумладан, ўқув театрининг иккинчи қаватида кўғирчоқлар ясаيدиган махсус цех мавжуд бўлиб, талабалар ва мамлакатимиздаги барча кўғирчоқ театрлари учун керакли маҳсулотлар тайёрланади. Актёрлик санъати, режиссура, операторлик, халқ ижодиёти йўналишларида таълим олаётган талабаларга мўлжалланган ижодий устaxonалар бўлажак санъат аҳли учун айна мурда. Институтда ана шундай ижодий майдончалар барпо этилган бўлиб, таълим йўналишига кўра уларнинг ҳар бири алоҳида техник анжомлар билан жиҳозланган. Кино соҳасида таълим олаётган талабалар учун “3 D” форматдаги фильмларни суратга олиш имконини



берувчи студия ташкил этилган. Ундаги замонавий техник ускуналарни кўриб ҳайратланмасликнинг иложи йўқ. Тасвирий уч ўлчамда етказиб берувчи “Panasonic” компаниясининг камералари Япониядан келтирилган бўлиб, улар ёрдамида суратга олиш жараёнини ҳатто автоматик тарзда бошқариш мумкин. Шунингдек, кино йўналишида тахсил олаётган талабалар учун махсус суратга олиш павильони барпо этилган. Англия ҳамда Франциядан келтирилган энг замонавий монтаж намойиш этишига яқиндан ёрдам беради. Барча техник воситаларга эга фотостудия ҳам улар иштирокида. Фотопавильонда Мексика, Италиядан келтирилган замонавий талабаларга жавоб берувчи “Remington”, “Leonardo” ёритиш ускуналари ўрнатилган. Бундан ташқари, талабалар “Canon EOS 5D Mark III” каби ўта юқори сифатда тасвирга олувчи фотоаппаратлардан фойдаланиш имконига эга. Айрим ижодий устaxonалар кичик театрлар билан бемалол тенгласа олади. Масалан, кўғирчоқ театри актёрлари учун мўлжалланган устaxonада талабалар ўз ижодларидан лавҳалар тайёрлашлари ҳам мумкин.

— Бу санъат ва маданият масканининг институт этилиши биз маданият ходимлари учун катта тўхфа бўлди, — дейди Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти “Кино, телевидение ва радио режиссури” кафедраси профессори, санъат арбоби Маҳкам Муҳаммедов. — Узоқ йиллар мобайнида санъат ва маданият соҳасида меҳнат қилиб келётган бир ходим сифатида таъкидлашим лозимки, институт-

да янгидан барпо этилган ва энг замонавий техник воситалар билан жиҳозланган бинолар, яратилган шароитлардан фойдаланаётган биз профессор-ўқитувчилар олдидаги вазифа — бутун куч-ғайратимизни сафарбар этган ҳолда юксак малакали, замон талабларига мос маданият ва санъат ходимлари тайёрлашдан иборат. — Замон талабларига тўлиқ жавоб берадиган, сўнги техника воситалари билан жиҳозланган 200 кишига мўлжалланган ўқув театрини кўриб кишининг кўзи қувнайди, — дейди институт магистранти Раёхон Уласенова. — Ўқув театрининг профессионал театр даражасида замонавий, барча қулай-

- Миллий меъморчилик анъаналари асосида барпо этилган янги ўқув биноси ўқитувчи ва талабаларга илҳом бағишлайди.
- Кўғирчоқлар ясаидиган махсус цех мавжуд.
- Студияда “3 D” форматдаги фильмларни бемалол суратга олиш мумкин.
- 200 кишига мўлжалланган ўқув театрини кўрган кишининг кўзи қувнайди.
- Марказ фондида 18657 номдаги 88 минг 515 нусха адабиёт талабалар иштирокида.

ликларга эга техникалар билан жиҳозланиши институт талабаларига кўрсатилаётган катта эътибор самарасидир. Бу ерда талабалар саҳна руҳини ҳис этиб, келгусида ўз салоҳиятлари билан ўзбек санъатининг юқори чўққиларига олиб чиқадиган мутахассислар бўлиб етишишлари шубҳасиз.

Санъат аҳлининг ижодида адабиётлар муҳим ўрин тугишини инobatга олган ҳолда ўқув ва бадий адабиётларга бўлган



ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: Сарвар ОТАМУРАТОВ, Аҳрор АҲМЕДОВ, Нозим ҲАБИБУЛЛАЕВ, Сувоп НАЖИДИДИНОВ, Муҳаммадjon КУРОНОВ, Гафуржон МУҲАМЕДОВ, Улугбек МУҲАММАДИЕВ, Жалолиддин САФОВЕВ, Ахтам ТУРСУНОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Баҳодир ШАРОФОВ, Арслон ЭШМУРОДОВ

Бош муҳаррир ўринбосари: Имомт ХУДОЕРОВ

ТАХРИРИЙ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темури кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй  
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди  
ТЕЛЕФОНЛАР: (8-371) Қабулхона 234-69-55, Парламент ва партия ҳаёти бўлими (факс): 234-01-47  
Бош муҳаррир ўринбосари 234-87-74, Бухгалтерия 234-87-73, Компьютер хонаси 234-86-41.  
Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қозғоқ бичими А-2  
«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.  
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба кунини чиқади.  
2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.  
Буюртма — Г 1119, Адади — 5924. Газетанинг баҳоси келишилган нарҳда.  
Навбатчи муҳаррир: Зафар МУҲАММАД  
Навбатчи: Тўмарис БУТУНБАЕВА  
Саҳифаловчи: Акбар ШОДИЕВ  
Электрон почта: e-mail: milliy@tashkent.uz  
Босишга топшириш вақти — 21.30.  
Топширилди — 22.20.  
ISSN 2010-7714